Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
13-avgust
payshanba

№ 28 (4466)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

COVID–19

## БЕМОРЛАР МИННАТДОР





**ИИВ томонидан Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бадиий гимнастика спорт мажмуасида ташкил этилган 750 ўринга мўлжалланган вақтинчалик шифохона жорий йилнинг 1 августидан ўз фаолиятини бошлади. Шифохонада даволаниш харажатлари – дорилар, озиқ-овқатлар тўлиқ давлат ҳисобидан қопланади. Бу ерда 500 нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари коронавирусга чалинган беморларни даволашга жалб этилган.**

2

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ

## МУҲИМИ – ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

**Пробация бўлими томонидан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга қаратилган тадбирлар белгиланган карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилмоқда.**

4



## ҲАФТА ҚАҲРАМОНИ



**Майор Жаҳонгир Юсупов 1984 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 2008 йилда Тошкент давлат юридик университетини тамомлаган. Ички ишлар органларидаги хизмат фаолиятини Бухоро шаҳар ИИБда профилактика инспектори лавозимида бошлаган. Кейинчалик терговчилик касбига бўлган иштиёқи уни соҳада ишлашга ундади. Шундан сўнг тергов бўлимида турли лавозимларда фаолият юритди. Айни вақтда Бухоро шаҳар ИИОФМБ 2-сонли ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси вазифасида хизмат қилмоқда.**

У изланувчан, меҳнатсевар, сабр-тоқатли, бошлаган ишини охирига етказмай қўймайди. Қаерда, ким билан ишламасин, ўзи ҳақида яхши таассуротлар қолдиради. Муваффақиятларидан ҳаволанмайди, ўзига доимо танқидий ёндашади. Ютуқлари замирида устозларининг, ҳамкасбларининг улуши беқиёс эканини алоҳида таъкидлайди.

Унинг раҳбарлигидаги тергов гуруҳи томонидан «Korea lux» МЧЖга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «б» банди билан қўзғатилган жиноят иши бўйича жами 400 нафар жабрланувчига етказилган умумий қиймати 600 млн. сўмлик моддий зарарнинг дастлабки тергов ҳаракатлари давомида тўлиқ қопланишига эришилгани ана шундай ютуқларидан бири бўлди. МЧЖ балансида бўлган мол-мулклар хатланиб, барча жабрланувчиларга пуллари қайтарилди.

Жаҳонгир Юсупов ўз касбини севиб, унга меҳр билан ёндашганлиги ортидан одамларнинг раҳматига сазовор бўлиб келмоқда. Терговчилик касбининг масъулияти ҳам, ҳавас қиладиган томони ҳам аслида ана шунда.

Майор Жаҳонгир Юсупов оилали, 3 нафар фарзанднинг меҳрибон отаси.

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

### ҚАЛБИМДА ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

*... Хизматда жипслик ва ўзаро ҳамфикр бўлиш муваффақият гарови эканига фаолиятим давомида кўп бор гувоҳ бўлдим. Бугунга қадар ҳамкасбларим билан кўплаб турли жиноятларни фош этишга ўз ҳиссамизни қўшиб келаётганимиздан мамнунмиз...*



3

### ШОВҚИН ЧИҚАРУВЧИ ТЕБРАНИШ ТАСМАЛАРИ ЧИЗИЛМОҚДА

*... Мутахассисларнинг фикрича, тебраниш тасмалари жиддий оқибатларга олиб келадиган бахтсиз ҳодисалар сонини камайтиришга хизмат қилади...*



6

### «ВЫБРАЛ СВОЙ ПУТЬ»



15

### ОРЗУИМ – ИНСОН ҚАЛБИНИ ГЎЗАЛ ВА ОРАСТА КЎРИШ



17

COVID–19

# БЕМОРЛАР МИННАТДОР

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Айни пайтда мазкур шифохона қандай фаолият кўрсатяпти, шарт-шароити талабга жавоб берадими? Бу саволларга коронавирус инфекциясини юқтириб, мазкур шифохонада маълум вақт даволанган, ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган кишигина тўғри ва ҳаққоний жавоб бера олади.

– Коронавирус инфекциясини юқтириб, жуда оғир ва синовли кунларни бошимдан ўтказиб, саломатлик энг катта бойлигимиз эканлигига амин бўлдим, – дейди Тошкент вилояти Божхона бошқармаси «Яллама» чегара божхона пости бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Музаффар Ибрагимов. – Тасарруфимиздаги божхона постидан бир кунда мингдан ортиқ турли транспорт воситаси ўтади. Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида бу ерда ҳамма шароит яратилган. Лекин касаллик сиздан сўраб ўтирмас экан. Қандайдир сабаб билан вирус юқтириб олган эканман. Бошида буни оддий шамоллаш деб ўйлаб, уй шароитида даволаниб юрдим. Лекин тана ҳароратим кўтарилиб, кундан-кунга аҳволим оғирлашиб бораверди. ИИВ Марказий поликлиникасига бордим, зарур текширувлардан ўтдим. Рентгенда ўпкамнинг 60 фоизида пневмония бошланганини айтишди. Тана ҳароратим 39 дан ошиб, аҳволим жуда оғирлашгач, Юнусобод туманидаги Бадиий гимнастика спорт мажмуасида ташкил этилган вақтинчалик шифохонага олиб боришди.

Шифокорларга раҳмат, зарур муолажаларни ўз вақтида қилгани учун орадан тўрт кун ўтиб ҳароратим тушди, эркин нафас ола бошладим. Ҳозирда даволанишнинг енгил шаклига ўтганман. Ўпкамни чиниқтириб, куч йиғишга интиляпман. Мени ҳаётга қайтаргани, соғлиғимни тиклагани учун барча тиббиёт ходимларига, айниқса, шифокор-кардиолог Мансур Собиров, шифокор-терапевт Дилфуза Бердиевага ўз ташаккуримни билдираман. Улардан жуда миннатдорман. Қўлингиз асло дард кўрмасин, дейман.

Мазкур шифохона фаолиятидан рози бўлиб, тиббиёт ходимларига ўз миннатдорлигини билдираётган фуқароларимиз кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Яккасарой туманидаги 118-умумтаълим мактаби директори П. Бекмуродова ҳам беморлар соғайиши учун тонгни тунга улаб жонбозлик кўрсатаётган ўз касбининг фидойи ходимлари: шифокорлар Нодиржон Сафарниёзов, Козимжон Собитов, Иззат Нарзиев, катта ҳамшира Дилрабо Файзиева, ҳамшира Шаҳноза Жамилова ва бошқаларга ўз ташаккурини билдирди.

Шуни унутмангки, ўз вақтида қилинган мурожаат касаллик тарқалишининг олдини олишга хизмат қилади. Бунинг учун вақтинчалик шифохонада барча шароитлар яратилган.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

# ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



**Ойбек ҚУЛБЕКОВ,**
**ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти бошлиғининг ўринбосари, подполковник.**

**Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартларни ва илғор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида мамлакатимизда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлди. Унда суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозимлиги белгиланди.

Жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигига эндиликда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни фақатгина мазкур жиноят иши юритувида бўлган мансабдор шахснинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилиши бўйича ўзгартиришлар киритилиши кутиляпти. Бу эса келгусида иш бўйича жиноят процессини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан тергов ҳаракатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона олиб борилиши, шахснинг содир этган қилмиши учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш баробарида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ кафолатланишига хизмат қилади.

Шунингдек, жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг қонуний манфаатларига дахл қилмаслик, жиноят процессида назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш, унга нисбатан қийноқ ёки бошқача кўринишда тазйиқлар ўтказилишининг олдини олиш мақсадида ҳимоячи иштирокида улардан тушунтириш хати, кўрсатма ёки аризалар олиш мажбурий этиб белгиланмоқда.

**Фармон билан яна бир янгилик жорий этилиши кутилмоқда.** Унга кўра, тегишли вазирлик ва идораларга тергов соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасасини ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилаяпти. Бугунги кунда жиноят процессини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар қаторида ўзига хос ўринга эга бўлган терговчиларни тайёрлашга мутлоқ ихтисослаштирилган алоҳида олий таълим муассасаси ташкил этилмаган. Айни вақтда ушбу ҳолат жиноят ишлари бўйича тергов сифатига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Тергов соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасасини ташкил этилиши натижасида илғор хорижий тажрибаларни чуқур илмий таҳлил қилган ҳолда, уларни амалиётга самарали жорий этилиши таъминланади. Бу эса ўз навбатида ўзига хос услуб ва тергов методикасининг шаклланишида муҳим омил бўлади, пировард натижада бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган терговчи мутахассислиги бўйича малакали кадрларнинг етишиб чиқишига хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур фармоннинг қабул қилиниши нафақат жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялайди, балки келгусида фуқароларимизнинг давлат ҳокимияти органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлайди. Ушбу ҳужжатни миллий нормаларнинг халқаро умумэътироф этилган нормаларга мувофиқлаштирилиши сари яна бир қадам сифатида баҳолаш лозим. Зеро, бугунги ислоҳотлар аввало инсон ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва рўёбга чиқаришни талаб этмоқда.

КУЗАТУВ

# ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

**Ички ишлар органларида узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшган ходимларни ҳамкасблари ва шогирдлари қуршовида пенсияга кузатиш анъанага айланган. Бу эса эндигина хизматни бошлаган ҳар бир осойишталик посбони кўнглида мана шундай ёруғ юз, ҳурмат ва эҳтиром билан ўша кунларга етиш истагини уйғотиши, шубҳасиздир.**

Куни кеча ИИВ «Жар» спорт-соғломлаштириш комплексига 20 йилга яқин раҳбарлик қилган полковник А. Исахўжаевни пенсияга кузатиш тадбири бўлиб ўтди. Унда Ички ишлар вазири маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов, ИИВ Кадрлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Т. Жумановлар сўзга чиқиб, А. Исахўжаевнинг мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳамда мазкур спорт-соғломлаштириш мажмуанинг моддий-техник таъминоти яхшиланиши, спорт турларининг ривожланишига қўшган катта ҳиссасини эътироф этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар А. Исахўжаевнинг ходимларни доимо қўллаб-қувватлаши, зарур ҳолларда, маслаҳат ва тавсияларини ҳеч кимдан аямаслиги, жамоанинг бир оила аъзоларидек аҳил ва иноқлигига доимо аҳамият бериши каби инсоний фазилатлари ҳақида гапириб ўтишди. Ўз навбатида, полковник А. Исахўжаев вазирлик раҳбарияти томонидан кўрсатилган юксак ҳурмат ва эътибор учун миннатдорлик билдириб, бундан



кейин ҳам юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилиш асосий бурчи ва вазифаси бўлиб қолишини мамнуният билан таъкидлади.

Анъанага мувофиқ, А. Исахўжаевга миллий тўн кийгизилиб, эсдалик совғалари берилди. Шунингдек, унга «Ички ишлар органларининг фахрий ходими» кўкрак нишони ҳам топширилди.

* * *

Шу каби кузатув тадбири ИИВ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармасида ҳам бўлиб ўтди. Узоқ йиллар давомида ички ишлар органларида самарали



хизмат қилиб келган Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари, полковник Алишер Эргашев ҳам ҳурмат-эҳтиром билан пенсияга кузатилди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан ҳамкасблари жонкуяр устоз ва тажрибали раҳбарнинг она Ватанимиз тинчлик-осойишталиги йўлидаги беминнат хизматларини эътироф этишди. Ёш авлодга соҳанинг сир-синоатларини ўргатган, тажрибаси ва маслаҳатлари билан мураббийлик қилиб келганлигини алоҳида тилга олдилар.

Полковник Алишер Эргашевга тўн кийдирилиб, қимматбаҳо эсдалик совғалар ҳамда «Ички ишлар органларининг фахрий ходими» кўкрак нишони топширилди.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# «ЯХШИ ИНСОНЛАР ОРАСИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – КАТТА БАХТ»

**дейди «Шуҳрат» медали соҳиби, Сирдарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бўлинма командири, катта сержант Ҳусниддин Абдухолиқов**

Гулистон шаҳридаги хонадонлардан бирида катта миқдордаги мол-мулк ўғирланган эди. Ҳид оладиган хизмат итлари ҳам, бармоқ излари ҳам натижа бермади. Жиноятни фош этишга қаратилган тезкор тадбирлар боши берк кўчага кириб қолди. Калаванинг учи йўқолган, гумон қилинувчилар ўзини хотиржам тутар, уларни кузатиш ишлари кутилган самарани бермасди.

Патруль-пост хизмати ходими, катта сержант Ҳусниддин Абдухолиқов қидирув ишларига жалб қилинганлар қаторида маҳаллалардаги хонадонлар қурилишида ишлаган мавсумий ишчилар тўғрисида маълумот тўплади. Шунда улардан бири эътиборини тортди. Ўттиз ёшлардаги бу йигит сирли равишда ғойиб бўлганди. Постлардаги кузатув камералари ва бошқа тезкор маълумотлар гумон қилинувчи уч кун олдин қўшни вилоятга кетганини кўрсатди. Унинг Жиззах вилоятида яқин қариндошлари борлиги, айни пайтда тоғли ҳудудда яширингани аниқланди.



Тезкор гуруҳ учун ишни охирига етказиш қийинчилик туғдирмади. Ўғри ғафлатда қолди. У яширинган жойдан ўғирланган молларнинг бир қисми топилгач, шубҳаю гумонлар тумандек тарқалди.

Бу катта сержант Ҳусниддин Абдухолиқов фаолиятидан бир лавҳа, холос. У ички ишлар органлари ходими оиласида тарбияланиб, вояга етди. Отаси Рустам ака Янгиер шаҳар Ички ишлар бўлимида хизмат қилган даврда ўғлининг кўнглида унинг касбига ҳавас уйғонганди. Йиллар ўтиб, бу ҳавас орзуга айланди. Шу сабаб у Янгиер шаҳридаги қурилиш-иқтисодиёт коллежини тугатгач, ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ҳужжат топширди. Омади келиб, олти ой давомида касб сирларини пухта ўрганди. Ўқишни тугатгач, ҳозирда хизмат қилаётган патруль-пост хизматига йўлланма билан келди. Шунга ҳам салкам ўн беш йил бўлибди...

Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Энг катта ўғрлик ва қотиллик каби жиноятлар ҳам чўнтаккесарлик ё безориликдан бошланади. Буни яхши тушунган Ҳусниддин майда безорилику ўғирликларга ҳам муросасиз курашишни ўз тамойилига айлантирган.

Юртимизга тождор вирус балоси ёпирилгач, тизимнинг барча соҳавий хизматлари, жумладан, патруль-пост хизматига ҳам катта масъулият юклатилди. Шундай синовли кунларда кўпчилик қоидаларга риоя этишни бошлади. Лекин эл орасида атрофдагиларнинг саломатлигига нописандлик билан қарайдиганлар барибир чиқар экан-да. Ҳусниддин Абдухолиқов бўлинмаси ишни дастлаб тарғибот қилишдан бошлади. Уч ой давомида тўрт мингга яқин фуқаро билан яккама-якка учрашиб, карантин қоидаларини тарғиб қилди. Шунга қарамай, тартибга бўйсунмаганлар учрайверди. Уларни қонун доирасида тартибга чақиришга тўғри келди. Ниқоб тақмаган, белгиланган вақтдан кейин мақсадсиз кўчада юрган 115 нафар шахсга маъмурий жарима белгиланди.

— Касбимни жуда севаман, — дейди Ҳ. Абдухолиқов. — Ўзим истаган жойда, яхши инсонлар орасида хизмат қиламан. Ўйлаб қарасам, шунинг ўзи катта бахт экан.

Ҳусниддин Абдухолиқовнинг оиласига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Отаси Рустам ака ҳозирги кунда ички ишлар органлари пенсионери. Онаси Маҳбуба опа эса маҳалланинг мўътабар онахонларидан. Бир неча йиллар маҳаллада хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаган, маҳалланинг яхши-ёмон кунига хизмат синган. Ҳусниддин турмуш ўртоғи билан икки нафар ўғлонни вояга етказяпти.

Дарвоқе, хизмат фаолияти давомида бир неча бор рағбатлантирилган Ҳусниддин Абдухолиқов яқинда давлатимизнинг юксак мукофоти — **«Шуҳрат»** медалига сазовор бўлди. У бундан кейин ҳам ўз ҳаётий тамойилларига содиқ қолган ҳолда, эл хизматига камарбаста бўлишига ишончимиз комил.

**Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ.**
*Сирдарё вилояти.*

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

# ҚАЛБИМДА ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

**Эркин ва озод юртнинг бахтли фарзандиман! Мустақиллик юракнинг туб-тубидан отилиб чиқувчи мана шундай нажотбахш сўзларни баралла айта олиш ҳуқуқини бергани учун ҳам жуда қадрлидир. Чунки хизмат фаолиятим асосан мустақиллик йилларига тўғри келди. 1991 йилда ИИВ Тошкент ўрта махсус мактабига ўқишга кириб, уни 1993 йилда муваффақиятли тугатдим.**

Ўтган муддат мобайнида Термиз тумани ИИБ жиноят-қидирув ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларида турли лавозимларида хизмат қилдим. 2002 йили вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлими Термиз туманлараро эксперт-криминалистика бўлинмаси катта инспекторлигига тайинлашди. 2011 йилдан бери ҳозирги лавозимимда ишлаб келмоқдаман.



Хизматда жипслик ва ўзаро ҳамфикр бўлиш муваффақият гарови эканига фаолиятим давомида кўп бор гувоҳ бўлдим. Бугунга қадар ҳамкасбларим билан кўплаб турли жиноятларни фош этишга ўз ҳиссамизни қўшиб келаётганимиздан мамнунмиз. Хизматларимиз вилоят ИИБ ва вазирлик раҳбарияти томонидан доимо эътироф этиб келингани барчамизга куч-қувват бағишламоқда.

Президентимиз фармонига биноан, 2016 йилда Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан мамлакатимизнинг энг юксак мукофотларидан бири «Содиқ хизматлари учун» медалига сазовор бўлдим. Буни мен мустақиллик инъом этган улуғ тухфа деб биламан. Юқорида айтганимдек, шубҳасиз, бу мукофот жамоамиздаги аҳиллик ва жипсликка берилган юксак рағбат эди.

Севимли оилам ва севган касбим бор. Турмуш ўртоғим Соҳибахон – ўқитувчи. Тўнғич фарзандим Русланбек Янгибоев мен каби, ички ишлар органларида касбни улуғлаб, сидқидилдан хизмат қилмоқда. У ҳозирда вилоят ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси патруль-пост хизматида фаолият юритмоқда. Қизларим Дилноза ва Шаҳноза ҳам ҳаётда ўз ўринларини топиш учун ўқиб изланмоқда.

Хизмат фаолиятим мобайнида юртимиз осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшяпман. Кимгадир керак эканингни ҳис қилиш кишига доимо ҳузур бағишлайди. Менимча, бир инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

**Рустам НОРҚУЛОВ,**
**Термиз тумани ИИБ эксперт-криминалистика гуруҳи катта эксперти, майор.**
*Сурхондарё вилояти.*

ҲИКМАТ

*Йигит борки, етти пуштигача номи қолар,*
*Йигит борки, етти кунда номи йўқолар.*

Халқ мақоли

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ

# МУҲИМИ – ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

**Хоразм вилояти ИИБ Пробация бўлими томонидан жиноий-ҳуқуқий соҳадаги қонунчилик ижросини таъминлаш, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан чиқарилган суд ҳукми ва ажримларининг ижросини таъминлаш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.**



Қонунийлик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этиш, йўл қўйилган камчиликларни чуқур таҳлил этиш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари бўйича чиқарилган суд ҳукм(ажрим)ларининг ижросини таъминлаш мақсадида маҳкумларнинг ҳар бири билан якка тартибда карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда профилактик суҳбатлар ўтказиляпти. Бунда содир этилган жиноятларнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси, шунингдек, маҳкумларнинг шахси ва хулқ-атворига алоҳида эътибор берилмоқда.

– Тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган маҳкумлар ўртасида кенг кўламли профилактик тадбирларни амалга оширяпмиз, – дейди вилоят ИИБ Пробация бўлими бошлиғи, подполковник Ҳамид Казаков. – Жорий йилнинг ўтган даврида Пробация бўлимида 2194 нафар маҳкум ҳисобда туриб, улар суд ҳукм(ажрим)ларида белгиланган жазоларни ўтаб келишмоқда. Шундан 594 нафари ахлоқ тузатиш ишларига, 383 нафари озодликни чеклаш жазосига, 4 нафари эса мажбурий жамоат ишларига ҳукм қилинган. Шунингдек, 38 нафари шартли ҳукм қилинган, 215 нафари муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ва 960 нафари муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган маҳкумлар ташкил этади.

Мунтазам равишда профилактик тадбирлар олиб борилаётгани боис 348 нафар маҳкум жазо ўташ даврида ўзининг ижобий томонларини кўрсатиб, тузалиш йўлига киргани аниқланди. Бу ҳақда жиноят ишлари бўйича шаҳар ва туман судларига тақдимномалар юборилиб, улар ўталмай қолган жазо муддатидан олдин шартли равишда озод қилинди.

Жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб юрган маҳкумларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масалалари бўйича ҳам тегишли чоралар кўрилмоқда. Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида 56 нафар маҳкум тайинланган жазодан бўйин товлагани сабабли уларнинг жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо турига алмаштирилди. Шунингдек, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирлар давомида қидирувда бўлган 20 нафар маҳкум қўлга олиниб, қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилди.

Назорат остидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир қилинишининг олдини олиш, уларни ахлоқан тузатиш, ижтимоий мослаштириш, касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида вилоят ИИБ ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши, Бандлик бош бошқармаси, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Жазони ижро этиш жойларидан қайтиб келган шахсларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш кўникма маркази билан ҳамкорликда маҳкумларнинг хулқи, турмуш тарзи, бандлиги бўйича маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди. 22 маротаба сайёр суд йиғилишлари, 14 маротаба «Ишга марҳамат!» сайёр тадбирлари ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 95 нафар маҳкумга «Саховат ва кўмак» умумхалқ хайрия дастури доирасида кундалик эҳтиёж моллари топширилди. Муайян касбга эга бўлмаган назорат остидаги 2 нафар шахс ўзлари қизиққан йўналиш бўйича таълим олиш имкониятига эга бўлди.



Пробация бўлими томонидан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга қаратилган тадбирлар белгиланган карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилмоқда. Бу тадбирларда, шунингдек, пробация назорати остида турган маҳкумларнинг муаммоларини аниқлаш, уларни қийнаётган масалаларни синчковлик билан ўрганиш ва ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, улар томонидан такроран жиноят содир этилишининг барвақт олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ**
**олган суратлар.**

АМАЛИЙ ЁРДАМ



## ФЕРМЕРЛАР МАМНУН

**Ҳозирги карантин даврида Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ томонидан ҳам 3-сектор ҳудудидаги вазиятни ўрганиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу жараёнда аниқланган муаммоларни ҳал этишда аҳолига амалий ёрдам бериб келинмоқда.**

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, полковник А.Темирханов Кегейли туманидаги 3-сектор ҳудудидаги вазият билан танишиш чоғида ҳудуддаги айрим фермер хўжаликларининг экин майдонларига сув етказиб беришда муаммо юзага келганлиги маълум бўлди. Кўрсатилган амалий ёрдам туфайли тумандаги Б.Каримбердиев номидаги овул фуқаролар йиғинидаги 3 та фермер хўжалиги сув чиқариш насоси билан таъминланиб, муаммо бартараф этилди. Шу тариқа, мазкур фермер хўжаликларида етиштирилаётган ҳосилнинг нобуд бўлишининг олди олинди. Бундан фермерлар беҳад мамнун бўлишди.

Бу каби ишлар бошқа ҳудудларда ҳам давом эттирилмоқда.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*




## БИЛАСИЗМИ?

*XXI асрнинг бошларида тилшунослар «Интернет» сўзини эскимос тилига ўгиришда роса қийналишди. Ва ниҳоят, муаммонинг ечими топилди – «Иккиаккввик» сўзини танлашди. Бу эскимос тилида «қатламлар аро саёҳат» деган маънони англатади. Илгари мазкур сўз шаманнинг руҳлар билан мулоқотга киришиш учун транс (карахт) ҳолатига тушиб, вақт ҳамда макон оралаб «саёҳат қилиши»ни билдирган. Ҳар икки тушунча ўртасида мантиқий ўхшашлик, умумийлик борлигини пайқагандирсиз. Демак, мутахассислар бежиз айнан шу сўзни танлашмаган.*



БИЗНИНГ ГЕНЕРАЛЛАР

# ТАЛАБЧАН РАҲБАР ВА МЕҲРИБОН УСТОЗ

**Юридик фанлар доктори, профессор, генерал-майор Убайдулла Тожихонов 1940 йил 1 сентябрда Чимкент вилоятининг Сайрам туманида, зиёлилар оиласида туғилган. 1957–1959 йилларда Тошкент ўрта махсус мактабида, 1959–1965 йилларда эса Тошкент давлат университетининг юридик факультетида (сиртдан) таҳсил олган. 1959–1982 йилларда Тошкент, Наманган шаҳарлари ички ишлар органлари тизимида, шунингдек, республика миқёсидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаган.**



Педагогик ва илмий фаолиятини 1982 йилда ИИВ Тошкент олий мактабининг маъмурий ҳуқуқ кафедрасида ўқитувчиликдан бошлаб, мазкур кафедрада катта ўқитувчи, кафедра бошлиғининг ўринбосари, сўнгра сиртқи таълим факультети бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борган.

1986 йилда маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлиғининг ўринбосари Убайдулла Тожихонов тўсатдан қамоққа олиниб, собиқ иттифоқнинг энг катта қамоқхоналарига ташланди. Гдлян ва Ивановлар гуруҳи ўзлари кутган маълумотларни ололмагач, у турли қийноқларга солинди. Роппа-роса уч йилу 23 кун барча қийинчиликларга чидади, лекин эгилмади. 1989 йилда тўла оқланиб, бекор қилинган унвонлари қайтариб берилди ва лавозимига тикланди.

1992 йилдан Олий мактаб, 1994 йилдан бошлаб, ўн йил давомида ИИВ Академияси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатган У. Тожихоновнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тарихида муҳим воқеа бўлган олий ўқув юртининг шаклланиши ва МДҲ мамлакатлари турдош олий таълим муассасалари ўртасида нуфузининг ошишида сезиларли ўрни бор.

У. Тожихоновнинг ҳаёт йўлини жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш; ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ёшларнинг ўсиб улғайиши учун ғамхўрлик қилиш; катта ободончилик, меъморий-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш; ҳуқуқшунослик фанини ва илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш; илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳамда иқтидорли ёш олимларни етиштириш борасида қайғуриш; таҳририят-ноширлик ишларини йўлга қўйиб, янги-янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар ва бошқа адабиётларни тайёрлаш ҳамда нашр эттириш; хизмат жамоасининг маиший турмушини яхшилаш, қўл остидагиларга ғамхўрлик қилиш; ҳар бир ишни адолат мезони билан ҳал этиш, қисқача айтганда, ўзбек халқига, она Ватанига садоқат билан хизмат қилиш йўли деб аташ мумкин.

Унинг раҳбарлигида 1992 йилдан бошлаб Академияда ўқитиладиган фанлар бўйича миллий манфаатларга жавоб берадиган давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари



ишлаб чиқилди. Улар асосида ўнлаб дарсликлар, юзлаб ўқув қўлланмалари яратилиб, тингловчилар учун замон талабига жавоб берадиган шарт-шароитни яратишга эришилди.

Республикамиз мустақилликка эришган вақтларда собиқ ИИВ Тошкент Олий мактаби тамомила яроқсиз ҳолга келиб қолган ўқув бинолари, синфхоналар, ётоқхоналар, ошхоналар ва аянчли ҳолатда эди. Ўзбек халқининг миллий руҳига бегона бўлган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа илмий адабиётлар мерос бўлиб қолганди. Энг муҳими, ёшларга малакали билим беришга қодир бўлган педагоглар етишмас, айниқса, маҳаллий миллатга мансуб фан докторлари ва фан номзодлари ниҳоятда кам эди. Албатта, бундай вазият ўзбек халқига садоқат ила хизмат қиладиган, унинг тинч-осуда яшашини таъминлайдиган, тажовузкор ички ва ташқи ғанимлардан, ҳар хил жиноятчи унсурлардан ҳимоя қиладиган қалби қайноқ, виждони пок, иймон-эътиқодли, халқпарвар, ватанпарвар, ҳар томонлама билимли, юқори малакали юрт посбонларини тайёрлашга халақит берарди.

Академия жамоаси У.Тожихонов раҳбарлигида катта бунёдкорлик ишларини амалга оширди: ўқув бинолари, замонавий аудиториялар, ётоқхоналар, санаторий-соғломлаштириш маркази бунёд этилди. Маданият саройи, спорт комплекси, ошхона каби кўплаб иншоотлар қайта қурилди. Мавжудлари тез фурсатларда ва сифатли таъмирланди. Ўқув юртининг ҳудудида яшил либосга бурканган чаманзор яратилди. Натижада Академия инсоннинг бахри дили очиладиган, чексиз завқ оладиган, ҳайратга тушадиган ва ғурурланадиган таълим-тарбия, илм, маданият ва маърифат масканига айланди.

Таълим мазмунини янгилаш мақсадида ўқув жараёнининг тузилиши қайта кўриб чиқилди. Ўзбек халқининг азалий руҳиятига мос келувчи, мутлақо янги мазмундаги ўқув фанлари киритилди, намунавий дастурлар ҳамда улар асосида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маърузалар курслари ва бошқа зарурий ўқув-методик материаллар ишлаб чиқилди. Ўқув ишларининг изчиллигини таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими вужудга келтирилди. Натижада Академия профессор-ўқитувчилари томонидан 30 дан ортиқ дарслик, 70 дан зиёд маърузалар курси, 200 га яқин ўқув қўлланма, 250 дан ортиқ ўқув-методик қўлланма, 40 дан ортиқ монография, 13 та луғат, 10 та кодексга илмий-амалий шарҳлар, 10 зиёд илмий-оммабоп рисолалар, 9 та хрестоматия, 5 та ахборот бюллетени, 1 та энциклопедия тайёрланиб, нашр этилди.

Генерал У. Тожихонов ташаббуси билан 1997 йилда Академия профессор-ўқитувчилари, қолаверса, республикамизнинг турли соҳа олимлари илмий изланишларининг натижаларни ёритиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси» чораклик илмий-амалий юридик нашри фаолияти йўлга қўйилди. Унинг саҳифаларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ҳаётига, давлатчилик, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, маънавият ва маърифат ҳамда таълим-тарбия соҳаларига оид илмий мақолалар бериб борилди.

1978 йилда номзодлик, 1995 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган генерал Убайдулла Тожихоновнинг илм-фанга, айниқса, олимларга меҳри бўлакча эди. 1992 йилда бор-йўғи 12 нафар илмий даражали мутахассис ишлаган таълим муассасида у раҳбарликка келгач, Ихтисослашган илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилди. Натижада фаннинг 13 та йўналиши бўйича 36 нафар фан доктори, 112 нафар фан номзоди, 6 нафар академик, 5 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 4 нафар хизмат кўрсатган юрист, 1 нафар халқ ёзувчиси ҳамда хизмат кўрсатган маданият ходими фаолият кўрсатишига эришилди. Бу Академиянинг илмий салоҳияти юксалишига, ҳуқуқ, фалсафа, сиёсат, тарих ва касбий соҳаларни жадал ривожлантиришга имкон берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ички ишлар органлари тизимида раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёж кучли эди. Шу боис 1998 йил 26 февралда юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган, юқори малакали раҳбар кадрлар тайёрлаш мақсадида унинг ташаббуси ва таклифи билан Ички ишлар органлари учун раҳбар кадрлар тайёрлаш факультети ташкил этилди.

Убайдулла Тожихоновнинг улкан хизматлари ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланган. У **«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист»**, **«Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист»** унвонлари, **II даражали «Шон-шараф»** ордени, билан тақдирланган.

Ўзбекистонда ҳуқуқий маданият назариясига асос солган олимлардан бири бўлган У. Тожихонов **«Ҳуқуқий маданият назарияси» (икки томли)**, **«Давлат ва ҳуқуқ назарияси» (икки томли)**, **«Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи»**, **«Давлат ва ҳуқуқ асослари»** каби ўнлаб дарсликлар, монографиялар, ўқув қўлланмалари ҳамда кўплаб илмий мақолалар муаллифи ҳамдир.

Афсуски, бугун устоз орамизда йўқ. Лекин меҳрибон мураббийнинг залворли умри ва бой ҳаётий мероси узоқ йиллар ёш ходимлар ва келажак авлод учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Шариф ҚОБИЛОВ,**
**ИИВ Академияси доценти,**
**полковник.**

ҲИКМАТ



Ҳақ йўлида ким сенга
бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо
онинг ҳақин юз ганж ила.

Алишер
НАВОИЙ.



ҲИКМАТ

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

# АҲОЛИГА МАНЗИЛЛИ ЁРДАМ

**Андижон вилоятининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Бўстон туманида 71 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Тумандаги 104 та фермер хўжалигида пахта ва буғдой етиштирилади. Шунингдек, боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачилик фермер хўжаликлари ҳам мавжуд.**




Туманда сутни қайта ишлашга ихтисослашган «Rash-Milk» қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Ўтган йили эса газлама ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи «Сабо» хусусий корхонаси ўз маҳсулотларини тақдим эта бошлади. Бу фабрикада 300 нафардан ортиқ хотин-қизлар иш билан таъминланган.

– Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида, – дейди туман ИИБ бошлиғи, подполковник Баҳодир Аҳмедов. – Қишлоқ кўчалари асфальтланди, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ишлари олиб борилди.



Учинчи сектор ҳудудида 7 та маҳалла мавжуд. Хонадонларни айланиш вақтида сектор штаби ишчи гуруҳи аъзолари 3352 та оиланинг уйида бўлиб, уларнинг турмуш шароитлари билан танишишди. Бунда 59 та кам таъминланган, 106 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила, 36 нафар ногирон ва 9 нафар ёлғиз фуқаролар қайд этилди.

«Саховат ва кўмак» хайрия акцияси доирасида эҳтиёжмандларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ўн еттита оила моддий ёрдам тариқасида 100 тадан бройлер жўжалари, 28 та оила 500 минг сўм миқдорда пул маблағи, 470 та хонадон бир неча бор озиқ-овқат маҳсулотлари олди.

Сектор ҳудудида, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги икки ой давомида 300 нафар фуқаронинг аксарияти доимий, қолганлари мавсумий ишга жойлаштирилди. Баъзи фуқароларга ўз ишини очиш учун субсидиялар ажратилди. 45 фуқаронинг томорқасида иссиқхоналар қурилди. Ҳозир уларда лимон ва турли сабзавотлар етиштирилмоқда.

Бир неча фуқароларга 20 сотихдан ер майдонлари ажратилди. Айни пайтда улар оила аъзолари билан сабзавотлар экиб, парвариш қилишмоқда.

Сектор ҳудудида «Хавфсиз ҳудуд» концепциясини жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бозорлар, дам олиш зоналари, тиббий муассасалар, ўқув масканлари, кўп қаватли уйлар, ташкилот ва корхоналар, кўча ва чорраҳаларда кузатув камералари ўрнатилмоқда.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**«На посту» мухбири.**
*Андижон вилояти.*

**Суратда:** *Гузор маҳалласида яшовчи Маҳмуджон Деҳқонов оиласи учун қурилган иссиқхонада сабзавот етиштириш билан шуғулланмоқда.*

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# ОРЗУНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

**Иқболжон йигитлик бурчини ўташ учун ҳарбий қисмимизга келган илк кунлариданоқ ўзининг камтарлиги, хушмуомалалиги ва шеъриятга бўлган қизиқиши сабабли сафдош дўстлари орасида ажралиб туради. Шу кунга қадар жамоамизда ўтказилаётган маданий тадбирларда фаол қатнашиб келади.**



Лавҳамиз қаҳрамони оддий аскар Иқболжон Қўзибоев 1999 йили Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида туғилган. Болалик кезлариданоқ адабиётга бўлган қизиқиши сабабли шеърлар машқ қила бошлаган. Бундан ташқари, спорт ҳам унинг жону дили. 2015 йилда Наманган вилоятида спортнинг каратэ тури бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақада биринчи ўринни қўлга киритган. 2016 йилда эса республикамизда ўтказилган мусобақада фахрли 2-ўринни эгаллаган.

И. Қўзибоев ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7534-ҳарбий қисм (Тошкент шаҳри) 3-батальон ўқчи взвод 1-ўқчи гуруҳ 2-секция ўқчиси сифатида ўз вазифаларини ҳам сидқидилдан бажариб келмоқда. Жанговар тайёргарлик машғулотларини ўзлаштириб, тенгдошларига намуна бўляпти. Айниқса, отиш тайёргарлиги, тактик тайёргарлик ва оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш каби бир қатор фанлардан меъёрларни аъло даражада бажариб, командирларнинг алоҳида этирофига сазовор бўляпти.

Жанговар хизматдаги қийинчиликларни сабот билан енгиб, чинакам йигит қанақа бўлишини намоён этмоқда. Ёзнинг жазирамали иссиқ кунларида ҳам қўлига қурол олиб, ўз постида, яъни кузатув минорасида куну тун ҳушёр туради. У муассасани қўриқлаш ва мудофаа қилиш бўйича ўз хизмат вазифаларини виждонан бажариб келмоқда.

– Ҳозирда ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири бўлган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳаёти ҳамда ижодига бағишлаб ҳарбий қисмда ўтказиладиган иншолар кўрик-танловида қатнашиш учун тайёргарлик кўряпман. Хизматдош дўстларим билан биргаликда бўш вақтларимизда китоб мутолаа қилиш учун ҳарбий қисм кутубхонасига тез-тез келиб турамиз. Яратиб берилган шарт-шароитлар учун Қоровул қўшинлари ва ҳарбий қисм қўмондонлигига ўз миннатдорлигимни билдираман, – дейди биз билан суҳбатда Иқболжон Қўзибоев.

Унинг келажакдаги орзуси муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб бўлгач, олий таълим муассасасига ўқишга кириб, таниқли шоирлар изидан бориб, уларни муносиб давомчиларидан бирига айланиш. Биз эса Иқболжонга орзулари ушалишини, ҳаёт йўли ойдин бўлишини тилаб қоламиз.

**Элёр УМАРОВ,**
**майор.**

ЙЎЛ. ҲАЙДОВЧИ. ПИЁДА



# ШОВҚИН ЧИҚАРУВЧИ ТЕБРАНИШ ТАСМАЛАРИ ЧИЗИЛМОҚДА

**Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида Бухоро вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳайдовчилар ҳушёрлигини янада ошириш мақсадида Бухоро шаҳрининг М. Иқбол кўчасида шовқин чиқарувчи тебраниш тасмалари чизиб чиқилди. Келгусида шаҳарнинг яна тўртта кўчасида шундай чизиқлар тортиш режалаштирилмоқда.**

Мутахассисларнинг фикрича, тебраниш тасмалари жиддий оқибатларга олиб келадиган бахтсиз ҳодисалар сонини камайтиришга хизмат қилади. Мазкур инновация шовқин таъсирини келтириб чиқарадиган тебраниш беради ва ҳайдовчининг эътиборини кескин оширишга замин яратиб, юзага келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисанинг олдини олади.

Бугунги кунда чарчоқ ҳолатида транспорт воситасини бошқариб, ўзи ва ўзгалар ҳаётини хавф остига қўяётган ҳайдовчилар кўплаб учрамоқда. Улар томонидан турли кўринишдаги йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Йўлда ҳаракатланаётган ҳайдовчилар ушбу чизиқлар устидан ўтган вақтда шовқин юзага келади ва чарчаган ҳайдовчи етарлича сергакланади.

Қисқача айтганда, бу чизиқлар фақатгина йўл-транспорт ҳодисалари олдини олиш мақсадида чизилган бўлиб, синов тариқасида қўлланилмоқда.

**У.ШУКРУЛЛАЕВ,**
**катта лейтенант.**
**М.АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

РОВЕСНИКИ НЕЗАВИСИМОСТИ

# «Возмужал вместе со страной!»

**1 сентября 1991 года. Эта дата вписана в историю Родины золотыми буквами. Сбылась вековая мечта предков – народ Узбекистана приобрел независимость. Я горжусь тем, что являюсь ровесником независимости, которая имеет безмерное значение в процветании и развитии нашей страны.**



Я родился и вырос в кишлаке Ширманбулак Булакбашинского района. После службы в рядах Вооруженных Сил окончил Андижанский машиностроительный институт. Некоторое время работал в народном хозяйстве.

В 2017 году по зову сердца поступил на службу в органы внутренних дел. После специальной подготовки был назначен экспертом-криминалистом экспертно-криминалистической группы Ханабадского ГОВД. Недавно меня назначили экспертом-криминалистом ЭКО УВД Андижанской области.

Я благодарен учителям и наставникам – полковнику в отставке Гуламжану Рахимову, подполковникам Муроджону Болтаеву, Наргизе Бакировой и майору Баходиру Вохидову, которые научили меня сложной, но интересной профессии, передали свой богатый опыт.

То, что я являюсь ровесником независимости, имеет немаловажное значение в моей жизни.

Моя цель – стать классным специалистом, внести свой вклад в осуществляемые правовые реформы. Мы должны быть достойными продолжателями проводимых широкомасштабных преобразований, реализуемых под руководством Президента Шавката Мирзиёева на пути дальнейшего улучшения благосостояния народа.

Самое большое богатство – это мир и спокойствие. Все знают, что где бы наши граждане ни находились, они прежде всего молятся за мир и спокойствие. А раз это так, то наш долг – ценить мир и обеспечивать безопасность. Мы не можем оставаться равнодушными, сами должны беречь свой дом. Молодежь должна сообща вносить вклад в дальнейшее повышение авторитета нашего государства, укрепление его роли в мировом сообществе.

Нельзя победить самостоятельно мыслящих, освоивших современные знания и профессии, преданных своей стране и народу, всесторонне развитых и здоровых молодых людей. Наше поколение должно постоянно учиться, всегда находиться в поиске, стремиться к новому. Для этого в стране созданы все условия. Как и многие мои сверстники, я тоже поставил перед собой цель – внести свой вклад в развитие Родины.

Оглядываясь на пройденный республикой путь независимого развития, мы осознаем, насколько масштабные и значительные перемены произошли в нашей жизни за последние 29 лет. Они вошли в летопись страны как самое яркое и замечательное время – время строительства нового государства, создания современного общества.

**Нодирбек АБДУРАХМАНОВ,**
**старший лейтенант.**
**Фото Бориса КЛЕЙМАНА.**
*Андижанская область.*

НОВОСТИ РЕГИОНА

## ОШИБКА НЕ СТАЛА УРОКОМ

Гражданин Х. М., проживающий в городе Янгиере Сырдарьинской области, был осужден за совершенное преступление и отсидел назначенный срок. Однако это не стало для него уроком, и он снова встал на преступный путь.

Х. М. взломал замок, проник в магазин, расположенный в Баяутском районе, вынес 5 миллионов сумов, телевизор марки «Roison», музыкальный центр, продукты питания на общую сумму 10 миллионов 657 тысяч сумов и скрылся с места преступления.

В результате оперативных действий сотрудники органов внутренних дел задержали злоумышленника. Теперь он ответит перед законом.

**Соб. корр.**





## В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ

**В Акалтынском районе Сырдарьинской области организованы мобильные группы, контролирующие соблюдение правил карантина, в составе территориальных инспекторов профилактики и сотрудников других правоохранительных органов.**






С помощью громкоговорителей население регулярно предупреждают о необходимости строгого соблюдения установленных требований.

В ходе проведенных рейдов в отношении 28 граждан, нарушивших правила карантина, были оформлены административные протоколы, приняты соответствующие меры.

По инициативе сотрудников районного ОВД 10 малообеспеченным семьям, попавшим в затруднительное положение в период карантина, доставлены продукты питания.

**Достон ШАМСИДДИНОВ,**
**капитан.**
*Сырдарьинская область.*



# ҚЎШСАҲИФАДА —

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Навоий вилояти ҳудудида тинчлик-осойишталикни, жамоат тартибини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунда вилоят ИИБ турли соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фидойи ходимларнинг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, бир қатор ижобий натижаларга эришиляпти.**



Вилоят ИИБ бошлиғи раҳбар бўлган 3-сектор ҳудудида истиқомат қилиб келаётган аҳолининг мавжуд муаммолари ўрганилиб, бартараф этиш чоралари кўриляпти. Бугунги кунгача сектор ҳудудида 2323 нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқаро мавжудлиги аниқланган. Уларнинг бандлигини таъминлашга, маълум бир касб-ҳунарга йўналтиришга, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишларига кўмаклашилди. Олиб борилган тушунтириш ишлари ҳамда кўрилган амалий чоралар натижасида меҳнатга лаёқатли ишсизлардан 1 минг 997 нафари, яъни 79 фоизининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, 1 минг 24 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оиланинг турмуш шароити яхшиланиб, уларга 1 миллиард 6 миллион 234 минг сўм миқдорида маблағ ажратилиб, камбағалликдан чиқарилишига эришилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, пандемия оқибатида даромадини йўқотган оилалар ҳолидан доимо хабар олиб турилибди.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган мураккаб эпидемиологик вазият сабаб ўрнатилган тартиб-қоидалар ҳамда жорий этилган чекловларга риоя этилишини назорат қилиш вилоят ички ишлар органлари ходимларидан катта масъулиятни талаб этяпти. Аҳоли саломатлигини асраш, таҳликали вазиятни барқарорлаштириш мақсадида улар ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, ҳаётини хавф остига қўйиб туну кун хизмат қилишмоқда.

Вилоят ҳудуди бўйлаб дезинфекциялаш ишлари, назорат тадбирлари ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб бориляпти. Ушбу жараёнда одамларга эпидемия шароитида жамоа бўлиб йиғилмаслик, тўй-маърака тадбирларини ўтказмаслик, бемақсад кўчага чиқмаслик, ҳимоя ниқоби ҳамда антисептик воситалардан фойдаланиш зарурлиги тушунтирилмоқда. Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишда аҳолининг дахлдорлик ҳисси билан ёндашувини таъминлаш бугунги куннинг қатъий талабидир. Бироқ белгиланган чекловларга, ўрнатилган тартиб-қоидаларга беписандлик билан қараётганлар ҳам бор. Уларнинг масъулиятсизлиги ҳолатни чигаллаштирмоқда. Хусусан, вилоятда карантин тартиб-қоидалари жорий этилган кундан бошлаб ҳозирга қадар 12200 дан ортиқ карантин қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари аниқланган. Қоидабузарлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан жавобгарликка тортилган. Жумладан, 11900 нафардан зиёд фуқарога нисбатан жарима, 200 дан ортиқ шахсга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси тайинланган. Қоидабузарликларнинг 49 фоизини 18–30 ёшгача бўлган ёшлар, 42 фоизини эса 31–50 ёшгача бўлган шахслар ташкил этмоқда. Аҳоли соғлиғини асрашда жасорат кўрсатаётган тиббиёт, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчилар мамлакатимизда, шу жумладан вилоятимизда эпидемиологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни узлуксиз равишда амалга ошириб келмоқдалар.

Бугунги кунда вилоят ИИБ ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, ҳудудда тинчлик-осойишталикни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида фидойиларча хизмат қилмоқдалар. Уларнинг ягона мақсади – халқнинг оғирини енгил қилиш, ишончини оқлаш. Ҳуқуқ-тартибот посбонлари учун бундан-да юксакроқ мукофотнинг ўзи йўқ.







# ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА

Шундай одамлар борки, ватанпарварлик ҳақида оғиз кўпиртириб гапиради, лекин амалий ишга келганда бир четга чиқиб туради. Капитан Улуғбек Худойқулов эса бугунги синовли кунларда юртнинг ҳақиқий ватанпарвар ўғлони эканлигини амалда исбот қилди. Шу боис **«Содиқ хизматлари учун»** медалига муносиб кўрилди.

Қаҳрамонимиз Навоий вилоятининг Хатирчи тумани ИИБ 10-сонли ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи таянч пункти профилактика катта инспектори сифатида Чағатой, Уйшун, Мирдош ҳамда Учқора маҳаллаларида истиқомат қилувчи 15500 нафардан зиёд фуқароларнинг осойишталиги учун масъул.

Жиноятчиликнинг олдини олиш учун, авваламбор, профилактик ишларни кучайтириш лозим. Иккинчидан, бир қарашда арзимасдек кўринган қоидабузарликларни ҳам эътиборсиз қолдирмаслик керак. Улуғбек буни жуда яхши билади. У маҳаллалар кесимида барча оилалар ҳаёти билан яқиндан танишди. Хонадонларнинг турмуш тарзини ўрганиш асносида 8 та ажрим ёқасида турган оилалар билан мунтазам тушунтириш ишлари олиб бориб, уларни яраштиришга эришди. Шунингдек, ҳудудда 6 нафар спиртли ичимликка ружу қўйган, 2 нафар муқаддам судланган фуқаронинг ҳаётда тўғри йўл топишига кўмаклашди.

Капитан У. Худойқулов жорий йил бошидан ҳозирги кунга қадар 126 нафар фуқаронинг қоидабузарлик содир этганлигини аниқлаб, уларга нисбатан қонуний тартибда маъмурий баённома тузди. Айниқса, мамлакатимизда ҳукм сураётган эпидемиологик вазиятда жорий этилган карантин тартиб-қоидаларига риоя этилишини қатъий назорат қиляпти.

Авваламбор, карантин талабларига нима учун амал қилиш зарурлигини каттаю кичикка доимо тушунтириб боради. Шунда ҳам белгиланган тартиб-қоидаларни писанд қилмаётганларга нисбатан чора кўришига тўғри келяпти. Ҳозирга қадар қоидаларни бузган, яъни жамоат жойларида тиббий ниқобсиз юрганларга, тўпланиб турганларга нисбатан 70 тадан ортиқ маъмурий баённомалар расмийлаштирди.

– Қоидабузарлар орасида қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этган, бундай ўйинларда қатнашган 4 нафар фуқаро ҳам бор. Бугунги ташвишли кунларда карантин қоидаларини бузгани етмагандай, кўнгилхушлик қилиш қандай уларнинг кўнгига сиғди экан? – дейди афсус билан Улуғбек.

Пандемия шароитида тождор вирус дея аталмиш бало кенг тарқалишига қарши курашувчиларнинг олдинги сафида турган капитан Улуғбек Худойқулов сингари Ватаннинг мард, содиқ ўғлонлари соғ омон бўлсин. Улар бор экан, халқимиз ҳар қандай синовларни енгиб ўтади.

**Улуғбек АСАДОВ,**
**подполковник.**

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

## ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

**Юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий, сиёсий фаоллигига эришиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида аёлларга ҳаётда ўз ўрниларини топишида, бахтли турмуш кечиришида кўмаклашиш мақсади ётибди.**

# АЁЛГА МЕҲР БЕРИНГ...

Вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармасининг Хотин-қизлар масалалари бўйича бўлими ходимлари хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан асраш чораларини кўряптилар, жиноят қилишга мойиллари билан якка тартибда тушунтириш ишларини олиб боряптилар. Шунингдек, озодликка чиққан аёлларнинг қайта жиноят со-



дир этишининг олдини олиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Жорий йил бошидан ҳозирга қадар бўлим ходимлари томонидан 120 нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилди. Улар орасида турмуш ўртоғи тазйиқ ўтказганлари, қайноналар томонидан узлуксиз сиқувга олинганлари кўпчиликни ташкил этади. Ишда, оилада руҳий ва иқтисодий зўравонликка учраганлари ҳам бор. Ачинарлиси, уларнинг 49 фоизи жисмоний зўравонликка дучор бўлган.

Навоий шаҳар ҳокимлиги бошқарма бошлиғининг кадрлар масалалари бўйича ёрдамчисининг мурожаати ўрганилиб, раҳбари билан бўлган ўзаро келишмовчилик ҳолати тор доирада муҳокама этилди. Муҳокама давомида раҳбари томонидан иш вақтида ходимига нисбатан руҳий зўравонлик ўтказиш аломатлари борлиги аниқланди. Бундан буён бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ходимга нисбатан 30 кун муддатга ҳимоя ордери расмийлаштирилди.

Вилоят марказида яшовчи фуқаро Н.С. турмуш ўртоғи А.Х. унга нисбатан зўравонлик ўтказаётганлигини маълум қилган. Ҳолат ўрганилиб, фуқаро А.Х. ҳақиқатан ҳам умр йўлдошига маст ҳолатда руҳий ва жисмоний зўравонлик ўтказишга мойиллиги аниқланди. Келгусида бундай ҳолат қайта содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида Н.С.га ҳимоя ордери берилди.

Энди қуйидаги рақамларга эътибор қаратинг: 43 фоиз ҳолатда давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган материалларга асосан ҳимоя ордери берилиши кераклиги аниқланган. Бу кўпгина хотин-қизлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслигини кўрсатади. Айниқса, 3 нафар аёлга такрорий тартибда ҳимоя ордери беришга тўғри келгани кишини жиддий ташвишга солади.

Бўлимимиз ходимлари томонидан тизимда аёлларнинг ҳимоясига қаратилган амалий ишлар кенг кўламда давом эттирилмоқда. Зеро, миллат тарбиячиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясида бўлишини таъминлаш долзарб вазифадир.

**Гулбаҳор ЎСАРОВА,**
**вилоят ИИБ ҲПБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник.**

## МАҚСАД – ТАРБИЯЛАШ

# ОЗОДЛИК ҚАДРИ

**Вилоят ИИБ Пробация бўлими ва унинг жойлардаги бўлинмалари назорати остида 1900 нафарга яқин шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтамоқда. Беш қўл баробар бўлмаганидек, улардан 248 нафари жиноят содир этишга мойил, 185 нафарининг эса жиноят содир этиш хавфи юқори. Ходимларимиз, айниқса, ана шу икки тоифадаги шахслар билан профилактик ишлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.**

Қувонарлиси, назорат остидагилар орасида вояга етмаганларнинг йўқлиги ва 1445 нафари тўлиқ тузалиш йўлига ўтганлигидир. Уларга ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига ҳар томонлама кўмаклашилмоқда. Масалан, Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи П.Б. тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида банкдан имтиёзли кредит олишига ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Унга кредит асосида 20 бош майда шохли мол олиб берилди. Ҳозирда П.Б. оиласига қўшимча даромад келтираётганидан хурсанд.

Маҳкумларнинг дунёқараши, яшаш муҳити ҳамда содир этган хатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этишга, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишга ҳамда спиртли ичимлик ичишга мойиллари билан индивидуал ишлар амалга оширияпти. Мақсад – уларнинг ҳам қатъий тузалиш йўлига ўтишига эришиш.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлган, хатоларидан тўғри хулоса чиқара олган 378 нафар маҳкум жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод этилди. Афсуски, билдирилган ишончни суиистеъмол қилганлар ҳам учраб турибди. Жиноят ишлари бўйича судларга киритилган тақдимномалар асосида 78 нафар маҳкумнинг жазоси оғирроқ турдаги жазога алмаштирилди.

Пробация хизмати ходимларининг саъй-ҳаракати натижасида назорат остидаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 тага камайган.

Инсонга озодликдек бебаҳо, неъмат тухфа этилган. Бироқ саодат ва ҳузур-ҳаловатда, оила даврасида яшашнинг қадр-қиммати бебаҳо эканлигини ҳамма ҳам тушуниб етавермайди. Озодликдан маҳрум этилиб, тўрт девор орасида виждон азобида, ўз изтироблари исканжа-



сида қолишнинг қанчалик оғир синов эканлигини тасаввур этишнинг ўзиёқ азоб. Ҳар нафасда оиласи ва яқинларининг сурати кўз олдида намоён бўлиши, озодликнинг қадрига етмаганлиги боис дилни ўртаниши... Инсон ўзлигидан қочиб қутула олмайди. Бу дунёда виждон азобидан ортиқ жазонинг ўзи бўлмаса керак. Вилоят ИИБ Пробация бўлими ходимлари ана шу ҳақиқатни назорат остидаги шахсларнинг онгу шуурига сингдириш йўлида бор билим ва маҳоратларини ишга солмоқдалар.

**Отабек ИЛБАЕВ,**
**вилоят ИИБ Пробация бўлими бошлиғи, подполковник.**

## ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА

# ТЕЗКОРЛИК, АНИҚЛИК, ШАФФОФЛИК

**Замон талабларидан келиб чиқиб, барча соҳаларда бўлгани сингари, мамлакатимиз ички ишлар органлари фаолиятида ҳам илғор технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Буни Навоий шаҳар ИИОФМБ Вазиятлар маркази мисолида яққол кўриш мумкин.**

Марказда иш жараёни ҳар доим қизғин давом этади. Ходимлар ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлаш мақсадида туну кун мониторлардан нигоҳларини узишмайди. Ҳеч бир ҳолатни эътибордан четда қолдирмаган ҳолда кузатиш нечоғлик мушкул бўлишига қарамасдан, улар топширилган вазифага виждонан ёндашадилар.

Шаҳар бўйлаб асосий кўчалар, таълим муассасалари, марказий бозорлар, супермаркетлар ва бошқа аҳоли гавжум жойларга ўрнатилган кузатув камералари орқали ҳар бир ҳолатдан бохабар бўлиш сергакликни талаб этади, албатта. Бугунги кунда шаҳар ҳудудида 23 дона «Тезкор чақирув тугмаси» жойлаштирилган. Жорий йил бошидан ҳозирга қадар мазкур «тугмалар» орқали 40 дан ортиқ мурожаатлар қабул қилиниб, мавжуд муаммолар ўз ўрнида ечим топган.




Замон шиддат билан ривожланиб, юксак технологиялар жамиятимиз ва инсонлар ҳаётида тобора муҳимроқ ўрин эгаллаб боряпти. Жумладан, видеокузатув камералари жиноятларни тезкорлик билан фош этишда ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишида ички ишлар органлари ходимларига ёрдам бермоқда. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида ушбу воситалар ёрдамида 3 та ўғрилик жинояти, 14 та ҳуқуқбузарлик ҳолати фош этилди. Бундан ташқари, 36 та йўқотилган буюм топилди, 3 нафар қидирувда бўлган шахс қўлга олинди. Шунингдек, 58 та қидирувда бўлган транспорт воситаси топилиб, 9 та шубҳали ҳолатга аниқлик киритилди. Марказий кўчалардаги видеокузатув камералари кўмагида 738 та қоидабузарлик қайд этилди.

Тезкорлик, аниқлик, шаффофликни таъминлаш Навоий шаҳар ИИОФМБ Вазиятлар маркази ходимларининг шиоридир. Улар ҳеч бир қонун бузилиши ҳолатини эътибордан четда қолдирмай, кучли назорат ва қатъий белгиланган талаб асосида ишлайдилар. Шу боис йил бошидан ҳозирга қадар 980 дан ортиқ қоидабузарликка барҳам берилиб, кўплаб жиноятларнинг олди олинди.

**Фируз ТИЛАВОВ,**
**вилоят ИИБ бўлим бошлиғи, капитан.**

Қўшсаҳифа материалларини лейтенант Ўктам УСМОНОВ ва Дилрабо АБДУҲАМИДОВА тайёрлади.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЕ СОГЛАСИЕ И РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ – ОСНОВА ЕДИНСТВА

**«Мы последовательно продолжим работу по укреплению в обществе атмосферы межнационального согласия и религиозной толерантности».**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**



Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 гг. определила системную работу по обеспечению в обществе безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности. Указаны основные направления по дальнейшему укреплению дружбы и согласия между представителями разных национальностей и вероисповеданий, обеспечению необходимых условий для сохранения и развития культуры, традиций и обычаев наций и народностей, проживающих в нашей стране, развитию международного сотрудничества и повышению авторитета Узбекистана на мировой арене.

Межнациональное согласие и религиозная толерантность считаются основными принципами демократического общества. «Толерантность» в переводе с латинского означает «терпимость», «сочувствие». В мире множество религий, и все они призывают людей к трудолюбию, миру, благородству, взаимному уважению. Ведь основа их сосуществования – толерантность.

Толерантность обеспечивает гражданское согласие и препятствует возникновению социального неравенства и конфликтов. На сегодняшний день религиозная толерантность и межконфессиональное взаимоуважение становятся основными жизненными принципами не только в нашей стране, но и во всем мире.

Современный мир сложен и противоречив, в нем нет государств, где проживали бы только граждане одной веры и национальности. К примеру, мусульмане составляют 1,8 % жителей Норвегии, 5 % – Швеции, 4,6 % – Великобритании, 8 % – Франции, по 6 % – Нидерландов и Бельгии, 5,1 % – Австрии, 5,2 % – Германии. Если обратиться к нашему государству, то в Узбекистане ислам исповедуют 86,3 % населения, православие – 9 %, остальные религии – 3 %, неверующие составляют 1,7 % населения.

В Конституции Республики Узбекистан, а также Законе «О свободе совести и религиозных организациях» утверждены идеи религиозной толерантности и межнационального согласия. В настоящее время в стране осуществляют деятельность 2 276 религиозных организаций, в том числе 183 неисламские, из которых 8 еврейских общин, 6 общин бахай и по одному: «Свидетели Иеговы», общество кришнаитов, буддийский храм. Есть межконфессиональное Библейское общество и 16 других, представляющих различные конфессии. Это означает, что Узбекистан является многоконфессиональным государством.

Узбекский народ по своему менталитету является толерантным, трудолюбивым и миролюбивым. Его национальное достоинство и честь основаны на преданности, честности и доброте. Именно поэтому в истории нашего государства никогда не было войн по религиозным и национальным признакам – узбекский народ всегда с уважением относился к другим религиям и нациям.

В Республике Узбекистан национально-культурные центры имеют статус самостоятельных организаций и действуют согласно принятым Министерством юстиции Республики Узбекистан уставам. Сегодня действует более 130 НКЦ и ассоциаций, из них 15 республиканских, созданных представителями 27 наций и народностей, – арабский, башкирский, болгарский, греческий,



грузинский, дунганский, литовский, каракалпакский, китайский, крымско-татарский, 2 белорусских, по 3 бухарско-еврейских и уйгурских, по 4 армянских, немецких, польских и турецких, 5 еврейских, по 6 кыргызских и украинских, 7 азербайджанских, 8 туркменских, по 10 татарских, таджикских и казахских; 20 русских и 27 корейских.

Вместе с тем, многовековая история свидетельствует, что всегда были политические силы и течения, которые под прикрытием религии, в том числе и ислама, стремились разжечь межконфессиональную рознь и межнациональные столкновения. И сегодня, прикрываясь популистскими лозунгами, они стремятся дезорганизовать общество, внести смуту и беспорядок. Они толкуют религиозные книги, их положения, исходя из своих узкокорыстных целей и интересов, сеют раздор среди верующих, особенно молодежи, вызывают конфликты и противостояния в различных точках земного шара.

В этих условиях сотрудники органов внутренних дел, как защитники правопорядка и стабильности, должны вести профилактическую разъяснительную работу среди верующих.

Критерием работы сотрудников ОВД является профессионализм. В своей деятельности они должны руководствоваться законами и одинаково относиться к гражданам, независимо от их национальной и религиозной принадлежности.

Реформы, проводимые в настоящее время в органах внутренних дел, требуют воспитания стражей порядка в духе религиозной толерантности и межнационального согласия. В этих целях в образовательных учреждениях МВД преподаются дисциплины «Национальная идея», «Основы духовности», «Культурология», «Профессиональная этика и эстетика», «Религиоведение» и другие, которые раскрывают сущность и содержание религиозной толерантности и межнационального согласия. Получаемые теоретические знания подкрепляются практическими действиями, которые выражаются в следующем.

1. Сотрудник ОВД обязан знать ценности, обычаи и традиции наций и народностей, проживающих в стране. Это его профессиональный долг. Подлинный авторитет блюстителя порядка складывается из опыта, профессионализма и честности. Именно к этому должен стремиться каждый сотрудник. Знание и уважение культуры наций и народностей, проживающих в стране, порождает уважение и доверие самих граждан к деятельности органов внутренних дел.

2. В Конституции Республики Узбекистан закреплено право на свободу совести. Согласно статье 31 Конституции, «свобода совести гарантируется для всех. Каждый имеет право исповедовать любую религию или не исповедовать никакой. Недопустимо принудительное насаждение религиозных взглядов». Сотрудник ОВД, как гражданин общества, также обладает конституционным правом на свободу совести. Вместе с тем, поступая на службу в органы внутренних дел, давая клятву и обязуясь достойно выполнять свои служебные обязанности, сотрудник должен выполнять свой профессиональный долг, руководствуясь внутренними убеждениями.

3. Соблюдение сотрудниками ОВД принципов религиозной толерантности не обязует их быть верующими людьми, принадлежать к той или иной религии. «Религиозная толерантность» означает уважительное отношение к религиям и религиозным чувствам верующих. Религиозная толерантность стражей порядка означает одинаково уважительное отношение ко всем религиям, действующим в стране.

Таким образом, органы внутренних дел, осуществляя функцию по охране общественного порядка, неукоснительно соблюдая права и свободы человека, обеспечивают в Узбекистане гражданский мир, национальное и межнациональное согласие.

**Алим МАТЧАНОВ,**
**доктор юридических наук,**
**профессор,**
**подполковник.**

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# «СЛУЖУ ВО ИМЯ ОТЧИЗНЫ, ВО ИМЯ НАРОДА»

**Современные реалии приковывают наше внимание к статистике распространения коронавируса. Мы ежедневно следим за цифрами, радуемся выздоровлению сограждан, проявляя гражданскую ответственность, участвуем в реализации мер, принимаемых в целях сдерживания пандемии. При этом все мы осознаем, что за каждым результативным шагом в противодействии пандемии стоит коллосальный труд людей, которые в это тревожное время, несмотря на угрозу собственной жизни и здоровью, находятся на страже благополучия народа.**



23 июля Президент Республики Узбекистан подписал Указ о награждении группы соотечественников, проявивших в борьбе с пандемией коронавируса самоотверженность, профессиональное мастерство, верность долгу и присяге. Среди награжденных – капитан Дилмурод Ярбеков. Он удостоен медали «Шухрат».

Дилмурод Ярбеков родился в 1981 году в Самаркандской области. В 2004 году окончил Самаркандский государственный педагогический университет. Службу в органах внутренних дел начал в 2009 году, в Караульных войсках. Затем работал в подразделении профилактики правонарушений ОВД Янгиюльского района Ташкентской области. С нынешнего года трудится в должности испектора профилактики 6-го отдела внутренних дел УВД Зангиатинского района.

Капитан Ярбеков обслуживает территорию МСГ «Тошкент», что в поселке Ханабад Зангиатинского района. Здесь проживают свыше четырех тысяч человек.

– Территория обслуживания – не самая простая, требуется настойчивое проведение целенаправленной работы по укреплению правопорядка и законности, предупреждению правонарушений, – говорит Д. Ярбеков. – Здесь функционирует ряд объектов социального назначения, возведено крупное промышленное предприятие – Ташкентский металлургический завод. При реализации мер по выявлению и устранению причин и условий совершения правонарушений работаем в тесном взаимодействии с общественностью.

Энергичным сотрудником налажен тесный контакт с активом махалли. Большую помощь в деле повышения уровня правосознания граждан ему оказывают Боходир Адилов, Саодат Артикова, Манзура Хайдарова и др. Вместе с инспектором они регулярно проводят подворные обходы, принимают участие в осуществлении профилактических мероприятий.



– Наша задача – эффективное обеспечение правопорядка на вверенной административной территории, незамедлительное реагирование на любые противоправные действия. Под особый контроль взяты ранее судимые лица, а также лица, склонные к совершению правонарушений, – подчеркивает капитан Ярбеков. – При этом в настоящее время правила диктует и сложившаяся эпидемиологическая ситуация, поэтому особое внимание уделяем соблюдению жителями введенных ограничений. В отношении лиц, пренебрегающих установленными правилами, принимаем меры в соответствии со ст. 54 («Нарушение правил борьбы с эпидемиями») Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности.

Известно, что карантинные ограничения сказались на жизни граждан.

– В связи с этим, совместно с представителями МСГ разработали план действий по адресной поддержке уязвимых слоев населения, – продолжает наш собеседник. – В эти дни 38 нуждающихся семей получили продуктовые наборы и финансовую помощь. Лицам, потерявшим источники доходов, содействуем в трудоустройстве. Так, 20 махаллинцев трудоустроены на ТМЗ, 12 – направлены на оплачиваемые общественные работы. Продолжается выдача рекомендаций для получения льготных кредитов для занятия предпринимательской деятельностью: 8 жителей махалли получили кредиты для начала собственного швейного дела, приобретения крупного рогатого скота, развития птицеводства.

Нынешние непростые условия коронавирусной пандемии внесли коррективы в режим несения службы сотрудников органов внутренних дел, и в том числе капитана Д. Ярбекова. В течение сорока дней, находясь в медицинском учреждении по лечению пациентов с коронавирусом, он принимал непосредственное участие в обеспечении неукоснительного соблюдения гражданами карантинных мер, где также проявил высокую организованность и ответственность.

Готовя данный материал, мы побеседовали с председателем МСГ «Тошкент» Нодиром Исроиловым. Характеризуя инспектора профилактики, он подчеркнул:

– Капитан Ярбеков – целеустремленный, преданный своему делу сотрудник. Работу ведет системно, что способствует достижению положительных результатов в профилактике правонарушений. Он инициативен, обладает твердой жизненной позицией. Жители махалли уважают Дилмурода Ярбекова и за его личные качества – отзывчивость, внимательное отношение к окружающим, готовность оказать поддержку в сложной ситуации.

В заключение беседы задали вопрос и капитану Дилмуроду Ярбекову – о награде.

– Медаль «Шухрат» – это, конечно же, большая честь и одновременно огромная ответственность, – признался наш герой. – Наряду со словами благодарности, хочу отметить, что я, как и каждый сотрудник органов внутренних дел, буду продолжать служить во имя Отчизны, во имя народа. Награда – не только моя, но и моих коллег, которые днем и ночью плечом к плечу добросовестно несут службу на благо Родины, это и заслуга наставников, среди которых майор в отставке Жамол Умирзаков, майор Журъат Ходжаев, подполковник Бегзод Абдурахманов и др. Буду служить, оправдывая оказанное мне высокое доверие.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Ташкентская область.*

НАШ ДЕВИЗ – ЧЕСТНОСТЬ

# Верен присяге

**В то время как вся страна объединилась в борьбе против коронавируса, некоторые граждане думают лишь о личном обогащении, причем, преступным путем.**



22 июня текущего года оперативники ОВД № 2 УКД ОВД г. Карши выявили, что гражданин Ю. З., проживающий в одном из многоэтажных домов, расположенных в МСГ «Шуртангаз», выращивает в комнатных горшках наркотическое растение. Оно было изъято в качестве вещественного доказательства. По данному факту был оформлен соответствующий протокол.

На следующий день Ю. З. встретился с оперуполномоченным ОВД № 2 капитаном Раимом Содиковым и предложил ему «замять» дело взамен на 1 000 долларов США. Оставшийся верным данной присяге оперуполномоченный обратился с рапортом к руководству.

Гражданин Ю. З. был задержан во время передачи 500 долларов США сотруднику в его служебном кабинете.

Благодаря таким честным и верным присяге стражам правопорядка, как капитан Раим Содиков, предотвращаются случаи коррупции. Каждое преступление обязательно будет раскрыто.

**Содик РАХИМОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Кашкадарьинская область.*

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСИ

**Тарихдан маълумки, халқимиз асрлар давомида турли халқлар билан ўзаро савдо, иқтисодий ва маданий алоқалар олиб борган. Бундай муносабатлар ўз-ўзидан аҳолининг турмуш тарзи, маданияти, адабиётига ижобий таъсир кўрсатган. Хусусан, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида ўлкамизда дипломатик муносабатлар юксак даражада ривожланган. Соҳибқирон бобомизнинг Франция, Англия, Испания, Византия, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Усмонийлар империяси каби кўплаб давлатларнинг ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқалари ва ёзишмалари буни яққол тасдиқлайди. Амир Темур саройига дунёнинг турли мамлакатларидан, жумладан, Европа давлатларидан ўнлаб элчилар келган. Ўша давр манбаларида салкам ўн йил ичида Амир Темур номидан Хитойга 9 марта элчи юборилгани қайд этилади.**

Яқин ўтмишга назар солсак, халқимизнинг меҳмондўстлик, бағрикенглик фазилатлари янада яққолроқ намоён бўлади. Ўз юртидан мажбуран кўчирилган, бадарға қилинган неча элат ва миллат вакилларига халқимиз бағрини очганига, меҳр кўрсатганига, энг оғир дамда уларга ёрдам қўлини чўзиб, бир бурда нонини баҳам кўрганига гувоҳ бўламиз. Корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, қрим-татарлар бу бағрикенг заминда ўзининг иккинчи ватанини топгани айни ҳақиқатдир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги давлат томонидан кафолатланган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси юртимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий-маънавий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда яшаб келаётган барча миллат ва элатлар равнақи учун тенг шароит ва имкониятлар яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш истиқлол йилларида давлатимиз миллий сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилгач, мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва бирдамлик муносабатларини мустаҳкамлаш, барча миллатларнинг ривожланиши, ўз қадриятларини сақлаб қолиши учун тенг шароитлар яратиб бериш, миллий маданий марказлар фаолиятини кучайтириш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш борасидаги хайрли ишлар бутунлай янги босқичга кўтарилди.

Амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ҳамжиҳатликда, бир оила фарзандидек яшаб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Қолаверса, республикамизда таълим 7 тилда – ўзбек, қорақалпоқ,




рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилади. Шунингдек, юртимизда 143 та миллий маданий марказ фаолият юритади. Аксарият маданий марказларда «Якшанба мактаблари» ташкил этилган. Уларда ёшларга она тили ва давлат тили, урф-одат ва анъаналар, маданият ва санъат йўналишларида билим бериб борилади.

Қувонарлиси, республикамиздаги барча миллий маданий марказлар давлат микёсидаги умумхалқ байрамлари, тадбирларида фаол иштирок этиб келади. Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ватан битта, Ватан ягона», «Бизнинг кучимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» каби фестиваллар миллатлараро дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сўнгги уч йилда Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида жуда катта ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Буни жаҳон ҳамжамияти вакиллари, халқаро экспертлар, турли давлатларнинг сиёсий арбоблари ҳам юксак эътироф билан тилга олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан Марказий Осиё минтақасидаги қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар қайта тикланганини, азалий ришталар янгича мазмунда давом эттирилаётгани халқимизнинг хоҳиш-истаклари ва орзуларини ўзида ифода этмоқда. Шу билан бирга, Юртбошимиз узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар қатори қардош туркий тилли давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш борасида ҳам кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

Бугун сайёрамизда яшаётган туркий халқларнинг умумий сони 250 миллион кишидан ошади. Уларнинг асосий қисми олтита мустақил республика – Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистонда истиқомат қилади. Эътиборлиси, бугунги кунда мазкур давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 14–15 октябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитидаги нутқида халқларимизни ўхшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келаётганини, ҳозирги пайтда кенгашнинг сиёсий кун тартибида ҳеч бир муаммо ёки келишмовчилик мавжуд эмаслигини, иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт, коммуникация, туризм, илм-фан ҳамда таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланаётганини таъкидлаб ўтди.

Маълумки, халқларнинг этнохусусиятларини эътиборга олмаслик, уларга ҳурматсиз муносабатда бўлиш, миллатларнинг урф-одат ва анъаналари, қадриятларининг камситилиши бугун дунёда содир бўлаётган кўплаб низоларнинг асосий сабабидир.

Шу боис ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида этнология ва антропология бўйича малакали мутахассислар тайёрланади. Бироқ яқин вақтгача мамлакатимизда айни йўналишда кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас эди. Қувонарлиси, бу йил Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетида этнология ва ижтимоий антропология бўйича янги йўналиш ташкил қилинди. Ҳозирда мазкур факультетда 28 нафар ёш кадр соҳа сир-асрорларини чуқур ўрганмоқда. Таъкидлаш керакки, ушбу йўналишдаги талабалар мамлакатимиз ва минтақамизда яшаётган турли миллатлар, элатлар, уруғларнинг ўзига хосликлари, ҳудудларнинг этник қиёфаси бўйича билим олишади. Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги устувор йўналишларни англаш орқали ҳозирги ҳолат, уларнинг сабаблари, илдизларини ўрганиб, мониторинг қилиб, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича етук мутахассис бўлиб етишади.

Шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегиясининг «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш» деб номланган бешинчи йўналишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили бир қанча тадқиқотчиларнинг миллатлараро муносабатлар соҳасида олиб борган илмий изланишлари қўллаб-қувватланиб, уларни китоб ҳолида нашр этишга яқиндан кўмак берилди. Бундан ташқари, республика олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда «Инсон, миллат, тил: тараққиёт масалалари» мавзусида илмий-назарий конференциялар ўтказилди.

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида жамиятимизда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилишига алоҳида тўхталиб, жорий йил 30 июль – Халқаро дўстлик куни муносабати билан юртимизда биринчи марта «Дўстлик ҳафталиги»ни ва «Дўстлик» халқаро форум-фестивалини ўтказишни таклиф этган эди. Айтиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг ушбу таклифини шу азиз тупроқни Ватан тутган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари катта хурсандчилик билан қаршы олди.

Ҳозирги кунда юртимизда давом этаётган коронавирус пандемияси сабабли мазкур тадбирни келгусида юксак савияда ўтказиш режалаштирилган. Ҳафталик доирасида ўтказиладиган қизиқарли кўргазмалар, мулоқотлар, ижодий фестиваллар, концертлар, форумлар, анжуманлар мамлакатимизда миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳурмат, ишонч, меҳр ва саховат туйғуларини янада мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувликни таъминлашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

**Ғайратулла ШУКУРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси матбуот котиби.**

# МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Навоий вилоятида Миллий гвардия ва ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида Учқудуқ туманида жойлашган «Айгул-партия» номли эски олтин конидан таркибида олтин зарралари бўлган тошларни ноқонуний йўл билан қазиб олаётган Хатирчи туманида яшовчи фуқаролар Т.Ж. ва Ш.М. қўлга олинди.**

## ОЛТИН «ШАЙДОЛАРИ»



Фуқаро Т.Ж. ўзининг бошқарувидаги «Форд» русумли автомашинасида 17 та қопга жойланган 1264 кг. оғирликдаги таркибида олтин зарралари бўлган майда тошларни, фуқаро Ш.М. эса «Форд» автомобилида 33 та қопдаги 1654 кг. тошларни олиб чиқиб кетаётганида тўхтатиб қолиниб, холислар иштирокида баённома расмийлаштирилди.

Таркибида олтин зарралари бўлган ушбу тошлар мутахассислар томонидан текшириб кўрилганда, фуқаро Т.Ж. томонидан ўзлаштирилган қазилмаларда 148 грамм, Ш.М. дан олинган тошларда эса, 234 грамм, миқдорда олтин моддаси борлиги аниқланди.

Ҳозирда суриштирув ишлари давом этмоқда.

## МЕҲР-МУРУВВАТ – УЛУҒ ҚАДРИЯТ

**Саховат ва меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос фазилатдир. Миллий гвардиянинг Бухоро вилояти бўйича бошқармаси томонидан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва амалий ёрдам кўрсатиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, Бухоро туманидаги Фошун қишлоғида истиқомат қилувчи Б.С. нинг турмуш ўртоғи анча йил олдин Россияга ишлагани кетиб, ҳозиргача қайтиб келмаган. Аёл эса узоқ йиллар давомида фарзандлари билан ижарада яшаб, пулини ўз вақтида беролмагани сабабли бир муддат онасиникида кун кечириб келган. Аммо яқинлари билан ўзаро келишмовчиликлар оқибатида қаерга боришни билмай, турмуш ўртоғи



пойдеворини битказиб, иморати чала қолдирилган очиқ ҳовлида чайла қуриб яшаб келган.

Миллий гвардия мутасаддилари томонидан ушбу фуқаронинг уй қурилишига етарли даражадаги қурилиш материаллари олиб берилди. Шунингдек, фуқаро Б.С. ҳамда унинг фарзандларига моддий ёрдам сифатида ҳомийлар томонидан 1 миллион 500 минг сўм пул берилди. Уйининг қуриб битказилиши учун кўмаклашиш ишлари давом этмоқда.

## ЁШЛАРНИ БАНДЛИГИ – АСОСИЙ ВАЗИФА

Миллий гвардиянинг Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси ходимлари маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ёшлар иттифоқи кенгаши ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Қувасой шаҳридаги маҳаллалар кесимида ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.



Хусусан, Абдулҳамид Чўлпон номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилаётган якка тартибдаги суҳбатлар натижасида ёшларнинг мутахассислиги, иқтидори ва қизиқишлари ҳисобга олиниб, уларнинг келажакда ўз ўринларини топиши учун тўғри йўналиш берилмоқда.

Яқинда ишчи гуруҳ томонидан мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Ж. Ғайратжонов профилактика инспектори ёрдамчиси лавозимига тайинланган бўлса, Боғбон маҳалласида яшовчи О. Бойкелдиева мазкур ҳудудда жойлашган иссиқхонага ишга жойлаштирилди.



## ВОҚЕАГА ОЙДИНЛИК КИРИТИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 9 август куни соат 08:20ларда Урганч шаҳри бўйлаб жамоат тартибини сақлаш учун патруллик хизматига жалб қилинган Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари Хонқа кўчасида бир фуқаронинг йўл четида қўли қонга беланиб ўтирганини кўриб қолиб, унга зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатади ва тез тиббий ёрдам машинасида шифохонага олиб боради.

Ўрганишлар натижасида маълум бўлдики, ушбу фуқаро Урганч шаҳрида яшовчи 1972 йилда туғилган Л.А. бўлиб, ўзи қўлининг томирини кесган экан.

Эндиликда ушбу ҳолатга янада ойдинлик киритиш мақсадида осойишталик посбонлари томонидан саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

## ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Миллий гвардиянинг Андижон вилояти бўйича бошқармаси ҳамда Қўриқлаш бошқармасида қўшалоқ тадбир бўлиб ўтди. Шу куни узоқ йиллар мобайнида юрт осойишталиги йўлида хизмат қилган Қўриқлаш бошқармасининг 10 нафар ходими нафақага кузатилди. Шунингдек, бошқарма ходимлари ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг бир гуруҳига навбатдаги махсус ва ҳарбий унвонлар топширилди.



Тадбирда сўзга чиққан Миллий гвардиянинг вилоят бўйича бошқармаси бошлиғи ҳамда Қўриқлаш бошқармаси раҳбарияти ўзининг кўп йиллик хизмати билан ёш ходимларга ўрнак бўлган фахрийларга самимий тилакларини билдирди.

Ўз навбатида, нафақага кузатилаётганлар ёш ходимларга ўзларининг қимматли маслаҳатларини бериб, кейинги фаолиятига улкан муваффақиятлар тилади.

**Миллий гвардия ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамкорлигидаги ишчи гуруҳ томонидан аҳолининг турмуш тарзини ўрганиш ишлари давом этмоқда. Ишчи гуруҳ таркибидаги Миллий гвардия психологлари оилавий муаммоларни бартараф этиш, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича олиб бораётган ишлар ўз самарасини бермоқда.**

## АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛЯПТИ

Миллий гвардиянинг Наманган вилояти бўйича бошқармаси бўлинма психологлари томонидан аҳоли турмуш тарзи ва муаммоларини ўрганиш жараёнида психологик кўмакка муҳтож кўплаб фуқароларнинг руҳий тушкунликдан чиқишларига ёрдам берилди. Масалан, Наманган шаҳри Элобод маҳалласида яшовчи Г.У.нинг турмуш ўртоғининг доимий тазйиқи сабаб оиласи бузилган эди. Бунинг натижасида оғир тушкунликка тушган келинчак ўз жонига қасд қилмоқчи бўлади. Аммо 15 кун давомида Миллий гвардия психологи томонидан кўрсатилган психологик муолажалар туфайли Г.У.нинг руҳий ҳолати яхшиланиб, тенгдошлари ва яқинлари билан мулоқотга киришмоқда, келажакка умид билан қараяпти.



Унинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига кўмаклашиш мақсадида ишчи гуруҳ томонидан тикув машинаси совға қилинди. Ҳозирда Г. У. тикувчилик маҳоратини янада ошириб, буюртма асосида ишлай бошлади.

Шунингдек, ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи 1994 йилда туғилган биринчи гуруҳ ногирони А.С.нинг яқинлари мурожаатига кўра, мутахассислар томонидан у билан психологик тренинг ўтказилиб, руҳий тушкунликдан чиқариш учун мунтазам равишда психологик консультациялар ўтказилмоқда.

**Саҳифа материалларини лейтенант Нозима МАҲМУДОВА тайёрлади.**

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ





**Юрт осойишталигини таъминлашдек масъулият билан хизмат қилаётган кичик сержант Отабек Аброров ҳам ҳақиқий она Ватан ҳимоячисидир. Айниқса 1991 йилда таваллуд топгани, яъни мустақиллик тенгдоши эканлиги унга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.**

# ИСТИҚЛОЛДАН ИҚБОЛИН ТОПГАН ЙИГИТ

Лавҳамиз қаҳрамони ёшлигидан ҳарбий соҳага қизиқди. Бунга оиладаги муҳит ҳам сабаб бўлди. Чунки бобоси ва онаси ички ишлар органларининг тажрибали ходимлари эди.

Отабек ўқувчилик йиллариданоқ пухта билим олиш билан бирга, спортга ҳам ошно тутинди. Ана шундай интилишлар натижасида, мактабни битиргач, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Транспорт касб-ҳунар коллежига ўқишга кирди. Устозларидан техника сир-асрорларини мукаммал ўрганган бўлажак Ватан ҳимоячиси таълим муассасасини тугатиши билан йигитлик бурчини адо этиш учун отланди.

Шундан сўнг, ҳаёт мактабида чинакам тобланиб келган О. Аброров болаликдаги орзусини рўёбга чиқариш, хизматни шартнома асосида давом эттириш учун Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтига ҳужжатларини топширди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, Мультимедиа ва электрон техникаларни ўқитиш лабараторияси техник-дастурчиси этиб тайинланди. Хизмат жараёнида командир ва бошлиқларининг топшириқларини ўз вақтида бекаму кўст бажарган Отабек раҳбариятнинг назарига тушди.

Шундан сўнг, ҳаёт мактабида чинакам тобланиб келган О. Аброров болаликдаги орзусини рўёбга чиқариш, хизматни шартнома асосида давом эттириш учун Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтига ҳужжатларини топширди. Барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, Мультимедиа ва электрон техникаларни ўқитиш лабораторияси техник-дастурчиси этиб тайинланди. Хизмат жараёнида командир ва бошлиқларининг топшириқларини ўз вақтида бекаму кўст бажарган Отабек раҳбариятнинг назарига тушди.

ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7531-ҳарбий қисмда ҳам бироз муддат фаолиятини давом эттирган Отабек 2015 йилнинг апрель ойидан то бугунги кунгача ҳозирги ИИВ Ҳарбий тузилмалар фаолиятини таъминлаш базаси Автомобиль ва хўжалик бўлинмаси техник-ҳайдовчиси лавозимида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда.

– Кичик сержант Отабек Аброров ўз ишининг ҳақиқий устаси, – дейди мазкур база бошлиғи, подполковник Исоқжон Холмирзаев. – Шунга қарамасдан, ҳамон изланишдан чарчамайди, ўз маҳоратини оширишдан, соҳа сирларини ўрганишдан тўхтамайди.

– Ҳамкасбимга ҳавас қиламан, – дейди кичик сержант Фазлиддин Абдунабиев. – Чунки у билганларини бошқаларга ўргатишдан эринмайди, инсонларга яхшилик қилишни ҳаётининг асосий мезони деб билади.

Мана, салкам ўн йилдирки, тизимда фидойилик билан хизмат қилиб келаётган О. Аброров ИИВнинг фахрий ёрлиғи, эсдалик қўл соати ва бошқа кўплаб мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, ИИВ Академияси Сиртқи таълим факультетига ўқишга кириб, ҳозирда 2-курсни тамомлади. Унга ҳавас қилган укаси сафдор Элбек ҳам акаси изидан бориб, бугунги кунда Тошкент шаҳар ИИББ Молия бошқармасида фаолият юритмоқда.

Ўзини Ватанимизнинг асл фарзандиман, деб билгувчи Отабек Аброров ҳозирда турмуш ўртоғи Ширин билан икки нафар фарзандини жамиятимизнинг муносиб аъзолари қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишмоқда.

Истиқлолдан ўз истиқболини топган бу йигитнинг келгуси хизмат фаолиятида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

# ВАТАН НИҲОЛ БЎЛИБ ҚАДАЛГАН КУНДА...

**Мустақиллик тенгдошларининг ичида, дилида эгарланган отлар, тулпорлар бор. Буни биз ғурур деймиз, ор деймиз. Бугун ана шу ғурурланиб юрадиганларимиз 29 ёшни қаршилади. Уларнинг сафида қизириқлик лейтенант Аброр Қурбонов ҳам бор.**



У 1991 йилда Қизириқ туманида Ўзбекистон аталмиш улкан дарахтнинг ниҳол бўлиб ерга қадалган кунида чинқириб, ҳайқириб дунёга келган. Чинакам ҳурлик, мустақиллик, тинчликнинг таъмини туйиб, нонини суйиб, кўчаларини чангитиб улғайган.

Даставвал мактаб, сўнгра 2014 йили Тошкент давлат аграр университети талабаси бўлган Аброр Қурбонов ўз фаолиятини Қизириқ тумани ИИБ Қўриқлаш бўлими сафдор ходимлигидан бошлади. Йилларки, Ўзбекистон ўз йўлини танлаб, тақдирнинг минг бир чиғириғидан ўтар экан, Аброр ҳам ҳаёт мактабида чиникди. Бу йилларда киндик қони тўкилган маскан олдидаги бурчни адо этишдек масъулиятли вазифани сидқидилдан бажаришга киришди.

– Уйимиз қуёшга қараб қурилган. Юртимиз қуёшли юрт. Ҳар тонг қуёшни кулиб қарши оламан, – дейди у. – Мен шу илиқлик тафтида улғайганимдан, мустақилликка тенгдош сифатида берилган кўплаб имкониятлардан фойдалана оладиган даражада эркин яшаётганимдан ғурурланаман. Чунки мустақиллик бизга ота-боболаримизнинг ушалмаган орзулари рўёбини берди. Истиқлол имкониятлари ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олишимизда тиргак бўлди.

Ҳа, ана шундай ғамхўрлик остида кўплаб тенгдошлари қаторида Аброрнинг ҳам орзулари бирма-бир ушалди. Ички ишлар органи ходими бўлишни болалигидан орзу қилган эди. Бунинг учун жисмонан чиниқиш кераклигини англаган ҳолда спорт билан шуғулланди, мактабда барча фанларни яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Гарчи олий ўқув юртида аграр йўналишида таҳсил олган бўлса-да, орзусига эришиш учун яна ва яна интилишда давом этди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, туман Ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Танлов ва имтиҳондан ўз кучи ва билими билан ўтди.

Лейтенант Аброр Қурбонов айни пайтда Қизириқ тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси таянч пунктлари профилактика катта инспектори вазифасида фаолият олиб бормоқда. Ҳамкасблари уни фидойи ходим сифатида ҳурмат қилишади. Ўзи эса шу бағрикенг, серқуёш юрт фарзанди, Истиқлол тенгдоши эканлигидан фахрланади.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**

*Сурхондарё вилояти.*

НЕЗАВИСИМОСТЬ В МОЕЙ СУДЬБЕ

# «Я выбрал свой путь»



**Наша страна стоит на пороге 29-летия своей независимости. 29 лет – время взросления, становления личности. Позади беззаботное детство и романтическая юность. Пора самому принимать решения, брать на себя ответственность, планировать жизненный путь.**

История независимости пишется ежедневно. Она постоянно генерируется в сознании и жизни.

Все мои сознательные годы прошли в суверенном государстве. Осмысление того, что такое независимость, приходило постепенно. По мере взросления, пришло увлечение историей и литературой, что во многом помогло понять истоки борьбы за свободу страны.

Окончив экономический колледж, отслужив срочную военную службу, я принял решение посвятить судьбу органам внутренних дел. В 2016 году меня приняли в батальон ППС УППСиООП УВД Андижанской области. Вначале служил постовым сотрудником, затем инспектором-кинологом. В 2016 году перешел кинологом в специальный отряд по Андижанской области Управления координации специальными операциями МВД Республики Узбекистан.

Старшие товарищи отметили, что каждый сотрудник отряда обязан владеть несколькими профессиями. Сейчас изучаю саперное дело. В этом году планирую поступать на заочное отделение Академии МВД Республики Узбекистан.

В моем профессиональном становлении большую роль сыграли учителя и наставники, которые щедро делились секретами мастерства, обучали нюансам работы, передавали свой опыт и всегда приходили на помощь. Я и сегодня часто обращаюсь к ним за советом.

Особую благодарность хочу выразить родителям, которые воспитывали нас в духе уважения к старшим, любви и преданности Родине и своему народу.

Независимость определила мою судьбу. Я всегда буду стремиться вперед, потому что все дороги для нас, молодых, открыты.

29 лет независимости дали нам многое. Нет смысла отрицать, что были трудные и тяжелые времена, но как без этого? Есть мудрые слова: будут трудности – и счастье поймешь. Несомненно, настал тот момент, когда мы начали понимать это счастье.

Какие бы тревожные дни нам ни пришлось пережить, какие трудности и преграды на пути к независимости мы бы ни преодолевали, какие угрозы в адрес нашей страны ни звучали бы, в моменты самых суровых испытаний мы оставались преданными идее независимости, ставили интересы страны превыше всего. Мы никогда не свернем с избранного пути.

**Замириддин ИКРОМОВ,**
**младший сержант.**

ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

# «Специалисты» узкого профиля

**В органах внутренних дел служат не только люди, но и собаки. Каждый служебный пес работает по своему направлению: есть среди них «специалисты» по поиску взрывчатки, есть те, кто ищет наркотики, есть и следовые профессионалы.**

Человек в форме со служебной собакой сразу привлекает к себе внимание. Подполковник Дониёрбек Муродалиев возглавляет кинологическую службу УППСиООП УВД Андижанской области. Он отвечает за профессиональную подготовку собак, которые наряду с сотрудниками органов внутренних дел ежедневно несут службу по охране нашей с вами безопасности.

В подразделении есть 34 четвероногих сотрудника – каждый прошел серьезное тестирование, стоит на довольствии и имеет внушительный послужной список, в котором отмечены все раскрытые им правонарушения.

– Собаки всегда помогали человеку. У нас работают четвероногие сотрудники разных пород. И направления у них тоже различные. Кто-то из них идет по следу, кто-то ищет наркотические или взрывчатые вещества, – рассказывает подполковник Д. Муродалиев. – Следовые собаки всегда считались элитой, потому что у них самая сложная работа. Если остался какой-либо предмет или свежий след, то нужно определить по этому запаху направление, пройти весь путь, найти преступника. Это самое сложное. Оставленный какое-то время назад след очень сложно не потерять. А при поиске взрывчатых и наркотических веществ собаки работают сами, в свободном поиске. Они ищут известный им запах.

Следовые собаки должны быть агрессивными, потому что кинолог с собакой, найдя преступника, должны его задержать. А четвероногие сотрудники, специализирующиеся на поиске взрывчатых веществ и наркотиков, остаются миролюбивыми, потому что кинологам приходится работать в школах, институтах, колледжах и других учреждениях.

Можно было бы объединить направления по поиску взрывчатых и наркотических веществ, но здесь есть свои особенности. Взрывчатые вещества собака не может трогать, она должна пройти, поймать запах и сесть напротив. А унюхав наркотические вещества, она может подойти и носом упереться в сумку. Когда она упирается, запах, исходящий от сумки, чувствуется лучше, ей так проще работать.



Дрессировка собаки, специализирующейся на поиске наркотиков, происходит следующим образом: ей дается любимая игрушка – мячик, палка или другой предмет. Она играет только с этой игрушкой, никаких других не даешь, чтобы выработать интерес только к ней одной. Когда понимаешь, что собака на грани фанатизма хочет эту игрушку, то начинаешь ее прятать: в помещениях, на улицах, в машинах. Когда собака уже знает игрушку по запаху, находит ее по какому-то фону и пытается достать, даешь команду «сидеть» или «лежать», в зависимости от направленности.

Дальше к этой игрушке подкладывается запах наркотического средства. Спустя цикл тренировок она начинает ассоциировать любимую игрушку с этим, более ярким запахом. Тогда она начинает быстрее ловить этот запах, а не запах игрушки. Потом игрушка потихоньку «уходит». Если это мячик, то вначале он разрезается на половинки, потом на четвертинки, в итоге остается совсем маленький кусочек, который затем исчезает. Так собака садится только на запах.

Чтобы стать настоящим кинологом, нужно очень многому научиться, войти в тандем с собакой, почувствовать ее, ведь собаки бывают разные: холерики, меланхолики и т. д., как и люди.

Нужно очень любить своих питомцев, быть к ним привязанным, потому что максимальное количество времени надо будет проводить с четвероногим другом. Наша служба – постоянная учеба, а для собак это игра.

Важно, чтобы кинолог находился с собакой с самого начала, минимальную дрессировку можно начинать уже в четыре месяца. Любая дрессировка строится на эмоциях. Если немножко поругал за какие-то провинности, то, соответственно, сразу же надо похвалить за что-то, поласкать, дать вкусняшку.

Важно постоянно развиваться, не бояться задавать вопросы и регулярно отрабатывать рабочие ситуации, чтобы мы всегда могли делать свою работу качественно, и следственно-оперативная группа при выезде на происшествие могла уверенно работать по направлению, обозначенному служебными собаками.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**

***На снимке:*** *инспектор-кинолог кинологической службы УППСиООП УВД Андижанской области младший сержант Б. Каюмов со служебной собакой по кличке Люсси.*

**Фото автора.**



МУЛОҲАЗА

# ВАҲИМА ФАЛОКАТ КЕЛТИРАДИ
## ёхуд сеҳрли сўзнинг кучи

**Мактабда ўқувчилар ўқиш, ёзиш, уй вазифаларидан безиб, кўчада ўйнашни исташибди. Шунда нима қилиб бўлса ҳам, маълум вақт муаллимни мактабдан узоқлаштиришга қарор қилишибди. Ораларидаги энг кичкина, аммо жуда зийрак бир ўқувчи шундай дебди:**

– Мен бир ҳийла ўйладим. Эртага дарс бошлангандан сўнг синфга биринчи бўлиб кирган бола устозимизга: «Устоз, тинчликми? Юзингиз анча сўлғин, сарғайибди, беҳолмисиз? Аллоҳ шифо берсин», деб хаста бўлганини айтади. Устоз бу гаплардан ваҳимага тушади.

Эртаси кун эрталабдан синфга илк кирган ўқувчи:

– Тинчликми устоз, юзингиз сап-сариқ. Мазангиз йўқми? Аллоҳ шифо берсин, – дебди.

Устоз:

– Валдирама, касал эмасман, бор жойингга ўтир, – деб кўрслик билан жавоб берибди.

Синфга кирган кейинги икки-уч ўқувчи ҳам устозига:

– Аллоҳ шифо берсин, – деб юзининг сарғайиб кетганини айтибди.

Муаллимни ваҳима босибди. Бу орада ўқувчилар гўё дарсни такрорлаган бўлиб, шовқин-сурон кўтара бошлабди. Устоз ваҳима ичида шовқин-сурондан боши оғриб уйига кетибди. Эшикни очган хотинига:



– Эй сен хотин, ҳолимга бир қара, юзимнинг сўлғинлигини ҳамма кўрди, нега сен кўрмадинг?! Бегоналар менинг дардим билан қизиқади, сен мен билан бир уйда яшаб, наҳотки, иситмам чиққанини билмадинг? Мен касалман, тез ётоғимни тайёрла, – деб кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди.

Хотини «Эй хўжайин, сизда хасталик аломати йўқ, хоҳласангиз ойна келтираман, сизда шунчаки бир ваҳима бор», деса ҳам унга ишонмабди.

Ўқувчилар севиниб уй-уйларига тарқалибдилар. Бу пайтда муаллимнинг уйига яқинлари, қўни-қўшнилар келишар, у қават-қават кўрпа тагида терга ботиб ётарди.

– Соғайиб кетинг, устоз, қандай қилиб касал бўлиб қолдингиз, ҳеч хабаримиз бўлмабди, – деганларга:

– Ўзим ҳам бехабар эдим, барака топгур, болалар айтишди. Шундай оғир хасталигимни сезмай қолибман, – дея жавоб берарди.

Ҳа, устоз ўзининг касаллигига батамом ишонган эди.

Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сида келтирилган бу ҳикоя бугунги кун воқеаларига ҳам ўхшаш. Негаки, ҳозир ваҳимага тушиб, ўзини ўзи касал қилиб қўяётганлар учрамоқда. Ваҳоланки, ваҳимага берилиш инсон танасидаги иммун тизими ишдан чиқишига сабаб бўлади. Киши руҳияти унинг ҳар бир тана аъзосининг фаолиятига таъсир қилиши кўп бор тажрибаларда исботланган.

Эрталаб юзингизни ювгач, ойнага кулиб қараб, «Соғ-саломат уйқудан уйғонганим учун шукур» деган гапни айтиб кўринг-а. Кайфиятингиз кўтарилганини сезасиз.

Руҳшунослар танамиздаги ҳар бир аъзога яхши ишлаётгани учун раҳмат айтиб туришимиз кераклигини бежиз уқтиришмайди. Ҳар куни юрагимиз бир маромда ураётгани, кўзимиз дунёни кўраётгани, қулоқларимиз эшитаётгани, тўрт мучамиз соғ-омон эканлиги учун уларга миннатдорлик билдиришимиз керак. Қолган аъзоларимиз ҳам бундан бебаҳра бўлиб қолмаслиги лозим. Шунда бу сеҳрли сўз ўз кучини кўрсатади. Киши ўзини анча тетик, соғлом ва енгил ҳис қила бошлайди. Зеро, руҳнинг тетиклиги танамизга куч-қувват бағишлайди.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**

# ФАРЗАНДИНГИЗ РЕКЛАМА ҚУЛИГА АЙЛАНМАСИН

**Катта ёшли одам турли мавзудаги реклама ва эълонларни кўриб, уларнинг қай бири рост ёки ёлғонлигини ажрата олади. Болаларни эса, жуда ишонувчан бўлганлиги боис, мусиқали, ранг-баранг, айниқса, ҳайвонлар иштирокидаги рекламалар батамом мафтун қилиб қўяди.**

Ташқаридан қараганда, гўдак вояга етгунча ҳар бир ишни унинг ўрнига ота-онаси ҳал қилади. Аслида эса, болалар, айтайлик, бирон ўйинчоқ ёки ширинликни айнан ўзлари танлайди, ҳатто ўз истаклари билан катталарга ҳам таъсир ўтказишади. Табиийки, уларнинг хоҳиш-истаклари кўпинча реклама роликларини кўриш орқали ҳосил бўлади. Буни аллақачон тушуниб етган ишлаб чиқарувчилар болаларни энг қулай томошабин сифатида тан олиб, бундан унумли фойдаланишади. Кўп вақтини телевизор қаршисида ўтказадиган болалар кўпроқ жисмоний ўйинлар билан шуғулланадиган бошқа тенгдошларига нисбатан ўта таъсирчан ва ишонувчан бўлиши илмий жиҳатдан исботланган.

### Реклама болалар ва ўсмирлар руҳиятига қандай таъсир ўтказади?

*Рекламани кўп кўриши натижасида болада янги талаб ва истаклар пайдо бўлади. Масалан, авваллари нонушта ва тушлик ўртасида ҳеч нарса емаган бола энди шоколад ёки бошқа ширинликни тамадди қилиш лозимлигини тез-тез талаб қила бошлайди.*

*Болалар рекламанинг ашаддий мухлисига айлангач, ундаги нотўғри ибораларни ёд олишади. Натижада бу бола нутқининг қашшоқлашувига сабаб бўлади. Устига-устак, бола ўзи такрорлаб юрган реклама ибораларининг мазмун-моҳиятини англамайди.*

*Илгари бола велосипед учишни хуш кўрарди, турли ўйинчоқларни соатлаб, зўр қизиқиш билан ўйнаб ўтирарди. Энди эса янги-янги видеоўйинлар олиб беришни талаб қила бошлади. Организм учун фойдали бўлган мевалар ўрнини пуфак қилиб шишир са бўладиган, ичидан «мўъжизали» суратлар чиқадиган сақичлар, янги сиқилган мева шарбатининг ўрнини эса «кола» ва «фанта»лар эгаллайди.*







### Хўш, нима қилиш керак?

*Бола қизиқарли кўрсатув ёки мультфильм кўраётган бўлса, реклама берилаётган пайтда телевизорни ўчириб туриш ёки товушини пасайтириб қўйиш керак. Аста-секин унинг ўзида шундай кўникма ҳосил бўлади.*

*Бола руҳиятида рекламага нисбатан танқидий муносабат билдира олиш қобилияти шаклланишига ёрдам бериш керак. Шу билан бирга, реклама қаҳрамонлари устидан ҳазил қилиб туриш лозимки, бола рекламани жиддий қабул қилмасликка ўргансин.*

*Болани реклама тасвири ва реал ҳаёт ўртасидаги фарқни солиштира билишга ўргатинг. Агарда фарзандингиз бир зумда тайёр бўладиган таомларга ҳаваси келиб, ейишни истаб қолса, ушбу таомнинг тайёрланиши, таркибини ўқиб беринг ва ойнаи жаҳонда намойиш этилган «иштаҳали» рекламалар актёрлар ёрдамида саҳналаштирилишини тушунтиринг.*




**Хуллас, қандай қилиб бўлмасин, фарзандингизнинг реклама қулига айланиб қолишига йўл қўйманг! У билан кўпроқ онгни ўстирувчи, нутқни ривожлантирувчи ҳамда хотирани мустаҳкамловчи турли ўйинлар ўйнанг. Бундан ташқари, бола истеъмол қилаётган таом ва ичимликлар реклама қилинган бўлиши шарт эмас, энг асосийси, у табиий ва фойдали маҳсулотлардан таркиб топсин!**

**Гулчеҳра АЗИМОВА «Postda» мухбири.**

БИЗНИНГ СУҲБАТ



*Нодир Жонузоқ 1976 йилнинг 14 мартида Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган.*

*Республика Ёш ижодкорларининг Зомин семинари ғолиби (1997 йил). «Томчилар» номли илк китоби 1997 йилда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган. Шунингдек, «Сизни севар эдим» (2006 йил), «Меҳрибоним» (2008) номли шеърий тўпламлар муаллифи. Айни пайтда «Сўз чамани» рукнида шоирнинг янги китоби нашрга тайёрланмоқда.*

*Нодир Жонузоқ тележурналист сифатида ҳам халқимизга яхши таниш. «Ёзувчи ва замон», «Гап чиқди», «Оқ ва қора», «Шахсий фикр», «Ҳаёт гўзал!», «Ижодий учрашувлар» сингари кўрсатувлари телетомошабинларга манзур бўлган.*

*Таржимон сифатида у М.Лермонтов, А.Блок, Е.Евтушенко каби машҳур шоирлар шеърларини она тилимизга ўгирган.*

*Нодир Жонузоқ айни чоғда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келмоқда.*

# ОРЗУИМ – ИНСОН ҚАЛБИНИ ГЎЗАЛ ВА ОРАСТА КЎРИШ

**– Ёш ижодкорлар билан ишлаш, уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш борасида уюшма томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Бир муддат тўхтаб қолган Зомин семинари 2017 йилдан бошлаб яна тикланди – ёш ижодкорларимиз афсонавий Ўриклисойда устоз адибларимизнинг дуоларини, маҳорат сабоқларини олишмоқда. Ушбу семинарда юзага чиққан энг истеъдодли ёшларнинг илк китоблари «Ижод» жамоат фонди маблағи ҳисобидан кўп минг нусхада чоп этилмоқда. Бундан ташқари, уюшмада адабий жанрлар бўйича тўгараклар фаолият олиб бормоқда. Ёш ижодкорларга оид турли тадбирлар ўтказилмоқда. Уларнинг соғлиғини сақлаш, уй-жой шароитини яхшилаш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилмоқда. Ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа идора ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда режали ишлар олиб борилмоқда.

**– Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусни рўёбга чиқариш, хусусан, китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича уюшма томонидан олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталсангиз…**

– Китобхонликни тарғиб қилиш бўйича мамлакатимизда ўтказилаётган барча тадбирларда уюшма аъзолари бевосита қатнашяпти. Маҳорат дарслари, кўрик-танловлар, тақдимотлар, кўргазмалар – ҳамма-ҳаммасида ёзувчи-шоирларимиз фаол иштирок этяпти. Барчага яхши таниш бўлган «Китобхон шоу» телелойиҳасининг ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳам, яхши биласиз, асосан адибларимиздан ташкил топган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан кўп минг нусхада чоп этилаётган китобларимизни мамлакатимиздаги кутубхоналарга, олий ва ўрта таълим муассасаларига беғараз равишда етказиб беряпмиз. Айтайлик, сўнгги ойларда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва унинг юртимиздаги бўлимларига, олий таълим муассасалари ва мактаб кутубхоналарига уюшма томонидан жами 150 минг донага яқин бадиий китоб туҳфа қилинди. Китобхонлик тарғиботига қаратилган эзгу ташаббусларни нафақат сўзимиз, амалий ҳаракатларимиз билан ҳам қўллаб-қувватлашга интиляпмиз.

**– Илк қораламаларингизни эслай оласизми?**

– Албатта, эслайман. Болаликнинг, ўсмирликнинг ғўр, ҳаваскорона битиклари эди улар. Илк қораламаларим жам бўлган дафтарларим ҳалигача сақланади. Яқинда сила аъзоларим қишлоққа борганда, отам уч-тўртта дафтаримни бериб юборибди. Ўқиб, хижолат бўлдим. Кўпи ижоднинг бошланғич даврига хос бўлган хом машқлар. Лекин уларда ўсмир қалбининг тоза, тиниқ юраги бор. Шуниси билан қадрли. Уларни ўқирканман, Ёзувчилар уюшмасига ҳали пишмаган машқлари билан ийманибгина кириб келадиган ёш қаламкашларни ўйладим. Уларнинг ёзганлари ҳақида кескин, танқидий фикр айтишдан олдин ўзингнинг ўша пайтдаги қораламаларингга боқ, дедим…

**– Аллақачон мухлислар қалбидан ўрин олган «Опа-сингиллар», «Туташ тақдирлар» каби кўп қисмли ўзбек сериалларида янграйдиган айрим қўшиқларнинг матнлари муаллифисиз. Сизнингча, шеърнинг қўшиққа айланиши нечоғлик бахт?**

– Тан олиш керак, шеъринг яхши қўшиқ бўлса, албатта, ёқимли. Яхши қўшиқнинг замирида, шубҳасиз, яхши шеър ётади. Аммо шоир ёзаркан, шеърининг қўшиқ бўлиши ҳақида қайғурмайди. У кўнглидаги, руҳидаги юкдан халос бўлиш мақсадида қўлига қалам олган чоғда сўзларнинг таъмини, рангини туйиб завқу шавққа тўлади, борлиғида сирли титроқларни ҳис қилади, оламнинг фусункорлигию инсоннинг илоҳий хилқат эканини теранроқ англайди. Қачонки, уни ҳаяжонлантирган ҳиссиётлар қайсидир бастакор ё ҳофиз қалбига кўчиб ўтса ва бошқаларни ҳам тўлқинлантирса, албатта, бу ишга муайян даражада алоқадор эканидан мамнун бўлади.

Бироқ, яна шуни унутмаслик керакки, шеърият дунёси кенг, турли услубларда ижод қиладиган шоирлар бор, ҳамма шеърлар ҳам оҳангга тушмайди ва буни талаб қилиш ҳам ўринсиз. Шеъри қўшиқ бўлмагани учун шоирни айблаш густоҳликдан бошқа нарса эмас.

Жуда кўп қўшиқ бўлган шеърлар борки, маъноси билан ҳофизнинг айбларини ёпиб кетади, жуда кўп қўшиқлар борки, оҳанги билан шоирнинг қусурларини бекитиб туради. Яна баъзи қўшиқлар бастакору ҳофизлар билан ҳамкорликда яратилади. Яъни, улар мавзу ва оҳангни айтиб, буюртма беришади – сен эса шунга қараб ёзасан. Бу қийин иш, ҳаммаям буни уддалай олмайди, аммо бундай шарт-шароитда ёзилган битиклар аксар ҳолларда чинакам шеърият талабларига тўла жавоб бермайди.

**– Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш истагида мурожаат қилаётган ижодкорлар орасида Ички ишлар органлари ходимлари ҳам борми?**

– Уюшма аъзолари орасида турли соҳа вакиллари бор. Сабаби, уюшмага кишининг мутахассислигига эмас, ижодий салоҳиятига қараб аъзо қилинади. Ҳеч қайси олий ўқув юртида «Шоир» ёки «Ёзувчи» деган диплом берилмайди. Табиийки, ички ишлар органлари тизимида фаолият кўрсатаётган ижодкорларимиз ҳам йўқ эмас.

**– Ички ишлар органлари ходимлари сизнинг тасаввурингизда қандай бўлиши керак?**

– Биласизки, Ички ишлар органлари ходимлари фаолияти доимо одамлар нигоҳида бўлади. Уларнинг фидойилигини ҳар доим ҳам эътироф этавермаймиз, аммо сал хато қилса, дарров пайқаймиз. Лекин, ҳақиқат шуки, жамиятдаги тартиб-интизом, хотиржамлигимиз бевосита уларга боғлиқ. Бунинг учун улардан, албатта, миннатдормиз.

Кичик укам Хуршидбек шу тизимда ишлагани учун бу соҳанинг ўзига хос машаққатли жиҳатларини яқиндан биламан.

Бугун нафақат ички ишлар органлари ходимларига, балки барчамизга талаб ўзгача – шунчаки ишлаб, яшаб бўлмайди. Кўзбўямачилик ўтмайди. Ҳаммасини эл-юрт кўриб, билиб турибди. Шу боис, аввало, ишимиздан ўзимиз қониқиш ҳосил қилмоғимиз даркор. Ҳалоллик, адолатпарварлик, жонфидолик – барчамизга бирдай зарур бўлган фазилатлар. Айниқса, ҳозирги карантин шароитида халқимизга руҳан суянчиқ, мададкор бўлишимиз шарт. Элу юртимизнинг дуосини олишимиз, ризолигини қозонишимиз лозим…

Шерзод **АБДУСАМАДОВ**
**суҳбатлашди.**

Шоир ижодидан

## ҲУРРИЯТ БАЙРОҒИ

*То бошимда шу байроқ бор – кўнглим баланд тоғ бўлди,*
*Орзуларим гулга кириб, шовуллаган боғ бўлди.*

*Зулмат босган юрагимга ёғду сочди юлдузлар,*
*Инжа, нозик ҳилоли ҳам тўлиб, ойдин моҳ бўлди.*

*Таъзим айлаб, лабим боссам, юксаламан, шу байроқ*
*Олам узра ҳилпираган кундан вақтим чоғ бўлди.*

*Ҳурриятнинг шамолида кўркам рақсин кўролмай,*
*Чўлпон, Фитрат, Қодирийдай зотлар бағри чок бўлди.*

*Ўроқ-болға зарбасидан сачраган қон доғлари*
*Эрк туғининг тўлқин-тўлқин эпкинидан пок бўлди.*

*Қуллик битди. Тождор бўлиб, шу байроқнинг остида*
*Шоҳсупага чиққан ўзбек ўғлонлари шоҳ бўлди.*

*Нодир бўлдим мен ҳам элда, оқди севинч ёшларим,*
*Кўзёшларим рангин шода – мовий, яшил, оқ бўлди!*





# Детская страничка

## НЮАНСЫ ВОСПИТАНИЯ СО ВСЕГО МИРА, КОТОРЫЕ ВЫЗЫВАЮТ УДИВЛЕНИЕ

**В каждой стране своя культура, ценности, отношение к детям. В одних школах проводят индивидуальные встречи с каждым родителем, в других дают ученикам полную свободу с ранних лет и относятся к ним как к взрослым. Узнать, чем отличается воспитание в разных государствах, будет полезно и ценно каждому, кто растит малыша.**



Финская начальная школа. В классе есть подушки. Можно поспать во время перерыва.

В исландских школах нет дневников, рабочих тетрадей и редко задают домашние задания. Также здесь нет школьной формы, а значит, можно прийти на уроки в джинсах и худи например. Обучение и все школьные принадлежности бесплатны, родители ничего не покупают дополнительно.

* * *

В школах Великобритании учёба начинается в 4–5 лет. Вначале подготовительный класс, затем – первый. Дети не таскают на плечах огромные рюкзаки, максимум тетрадь с выполненным домашним заданием.

* * *



По этой трубе ученики младших классов сельской школы, которая находится в получасе езды от Бремена (Германия), спускаются на улицу на переменах.

## ЛЕТО

**Вдоль каждого контура бабочки должны располагаться цифры 1,2,3 и 4. Впишите их в пустые кружочки.**



## Я НЕ МАЛЬЧИК, Я МЕДВЕЖОНОК







| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Я | 16.00 | 2.00 | 13.00 | | Э | 2.00 | 1.00 | | - |
| 15.00 | 11.00 | 14.00 | 6.00 | | 7.00 | 10.00 | 17.00 | 13.00 | , |
| 12.00 | 20.00 | | 21.00 | 23.00 | 16.00 | 6.00 | 17.00 | 1.00 | , |
| 13.00 | | . | . | . | . | | | | |

## Загадки-обманки

*Особенность и хитрость этого вида загадок – неправильный, обманчивый ответ напрашивается сам. Ответить хочется в рифму, чтобы звучало складно.*

*Наша подборка хитрых загадок-обманок для «разминки» мозгов повеселит и вас, и детей.*

*Попробуйте пройти с ребёнком все загадки-обманки, которые мы собрали. И время проведёте весело, и соображалку отлично разомнёте. Поехали!*

Просит бабушка Аркашу
Из редиски скушать...

* * *

На дорогах стало суше –
у меня сухие …

* * *

Чинят крыши, мебель, рамы,
На рыбалку ходят …

* * *

Подобрать себе я смог
Пару варежек для …

* * *

Вышел зайчик погулять,
лап у зайца ровно …

* * *

У Иринки и Оксанки
Трехколесные есть …

## Ребус






## Старушки с лейками

Две старушки-подружки пошли на речку, чтобы набрать воды для поливки. Кто из них польёт свой огород большим количеством воды?

ДОБРОТА И ПОДДЕРЖКА

# ГОТОВЫ ПРОТЯНУТЬ РУКУ ПОМОЩИ

**В нынешних непростых условиях, в дни испытаний сотрудники органов внутренних всегда готовы протянуть руку помощи соотечественникам, нуждающимся в поддержке.**




Среди тех, кто непосредственно участвует в работе по содействию лицам, оказавшимся в условиях пандемии коронавируса в непростых жизненных условиях, – инспектора по вопросам женщин.

В Ташкентском районе столичной области инспектора по вопросам женщин в рамках благотворительных мероприятий по оказанию безвозмездной материальной помощи нуждающимся слоям населения вместе с представителями хокимията, актива махаллей рассматривают обращения граждан, с привлечением соответствующих организаций принимают действенные меры к разрешению изложенных в них вопросов.

**Соб. корр.**

***На снимке:*** *инспектор по вопросам женщин подполковник М. Хакимджонова заслушивает обращение гражданки.*

*Ташкентская область.*

ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ

# ЦЕНИТЕ ТО, ЧТО ИМЕЕТЕ

**18-летняя Сарвиноз могла бы, как и ее сверстницы, получить образование, выйти замуж, создать семью. К сожалению, она выбрала другой путь.**

**Девушка уехала из дома в столицу, чтобы заработать денег, собрать приданое. Она нашла работу и уже шла к своей цели, однако после знакомства с молодым человеком ее жизнь кардинально изменилась. Поверив обещаниям Жавохира, Сарвиноз погрузилась в мир грез и фантазий.**



Некоторое время они жили счастливо. Но когда девушка поняла, что забеременела, и сообщила об этом Жавохиру, тот с легкостью бросил ее. Домой вернуться не хватало совести, а как жить дальше она не знала.

Девушке не к кому было обратиться, кроме Мехри, с которой она познакомилась на хлопке. Объяснив ей ситуацию, Сарвиноз попросила разрешения пожить у нее дома до рождения ребенка. Мехри, посоветовавшись с матерью, согласилась.





Мать Мехри, Холбиби, и сестра Салима показались девушке очень добрыми, но доброта эта была наигранной.

Женщины уверяли Сарвиноз, что после рождения ребенка его можно продать, если найдется клиент, потом пройти курс лечения, собрать приданое и, как ни в чем не бывало, выйти замуж. Эта идея понравилась Сарвиноз.

Бездетная семья нашлась быстро, но торги не состоялись. Во второй раз Салима нашла покупателей через подругу, которая жила в Бухаре. Еще неродившийся малыш был оценен в 2 000 долларов США.

Салима раньше работала в Денауском роддоме. Договорившись с врачами, она попыталась подделать документы. Не получилось. Знакомые матери, Холбиби, также не смогли помочь.

В это время Сарвиноз, видимо, опомнившись, захотела отказаться от задуманного. Но Мехри стала ее отговаривать, так как в мечтах уже распределила полученный барыш.

...Настал день родов. На свет появился здоровый мальчик, и сердце Сарвиноз сжалось. С одной стороны, ни в чем не повинный, только что родившийся ребенок, с другой стороны – ее честь и достоинство, авторитет родителей, косые взгляды и сплетни соседей. Несмотря на то, что малыш казался ей препятствием на жизненном пути, она жалела сына.

Мехри, глядя на состояние Сарвиноз, побоялась, что материнский инстинкт возьмет верх. Она попросила молодую маму написать расписку, что та отдает новорожденного по собственному желанию.

Через два дня появился покупатель. Сарвиноз передала сына в окно роддома, взяла деньги и положила их в карман своего халата. В этот момент молодая женщина перестала быть матерью, став обычной преступницей...

Четыре женщины были задержаны сотрудниками органов внутренних дел.

(Имена изменены.)

**А. ХУРРАМОВ,**
**капитан.**
**Феруза РАХМОНКУЛОВА,**
**корреспондент «Postda».**
*Сурхандарьинская область.*

# РАЗЫСКИВАЮТСЯ ЗА СОВЕРШЕНИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ



**ГИБЕЛЬ Эдуард Григорьевич,** 1943 года рождения, проживавший по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, квартал 6, дом 16, кв. 21, за совершение преступления, предусмотренного ч. 2 ст. 205 УК Республики Узбекистан.

* * *



**ЯКОВЛЁВ Александр Николаевич,** 1958 года рождения, проживавший по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, квартал 14, дом 44, кв. 14, за совершение преступления, предусмотренного п. «а» ч. 2 ст. 168 УК Республики Узбекистан.

* * *

**СОБИРЖОНОВ Шерали Мухаммадюсупович,** 1971 года рождения, проживавший по адресу: г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Инжобод, дом 29, за совершение преступлений, предусмотренных ч. 2 ст. 228, ч. 3 ст. 167 УК Республики Узбекистан.

* * *



**РИСИМБЕТОВ Бахтияр Аскарович,** 1979 года рождения, проживавший по адресу: Ташкентская область, Бостанлыкский район, поселок Искандар, ул. Накшбанди, дом 10, кв. 9, за совершение преступления, предусмотренного ч. 2 ст. 25, ст. 166 УК Республики Узбекистан.

* * *

**ХАСАНБОЕВ Сардор Кутабекович,** 1983 года рождения, проживавший по адресу: Наманганская область, Чартакский район, махалля Богистон, ул. Ора-арик, за совершение преступлений, предусмотренных ч. 2 ст. 97, ч. 2 ст. 223 УК Республики Узбекистан.

* * *



**КУРБАНОВ Джахангир Азисханович,** 1983 года рождения, проживавший по адресу: Республика Казахстан, Чимкентская область, ул. Валиханова, дом 27, за совершение преступления, предусмотренного ч. 2 ст. 223 УК Республики Узбекистан.

* * *



**МАТНАЗАРОВ Дмитрий Кадирович,** 1971 года рождения, проживавший в Ташкентской области, Юкоричирчиском районе, за совершение преступления, предусмотренного п. «б» ч. 2 ст. 164 УК Республики Узбекистан.

***Сведения, способствующие розыску, просим сообщить в Юкоричирчикский РОВД по телефону: (70)9833700, в ближайшее отделение внутренних дел или по телефону «102».***

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

# ҚАНИЙДИ, ҲАММАСИНИ ҚАЙТАДАН БОШЛАШ ИМКОНИ БЎЛСА...

**Подачи Исабек (исмлар ўзгартирилди)нинг касбидан кўнгли совуганига анча бўлган. Бировларнинг учтўрттала қорамолини боқади, лекин гўё ҳовлисидаги жонлиғи икки бўлмайди. Охирги пайтларда ишини ўзгартириш ҳақида ўйлаётгани сабаби шу.**



...Катта йўлдан ўтаётган аламбало машиналарни кузатаркан, ичини ҳасад кемира бошлади. «Одамлар шунча пулни қаердан топяпти экан-а?» Шу каби фикрлар қалбини ўртаётган Исабекнинг эътиборини зовур бўйида ўтлаётган сигир тортди. Қишлоқдошлари ҳам қизиқ-да. Тўғри келган жойга молини арқонлаб кетаверади. Қўрқишмайди, катта йўл ёқаси, биров олиб кетиб қолса, қаердан топишади?.. Тўхта-тўхта, ана шу ишни ўзи қилса-чи? Ким билиб ўтирибди? Овлоқ жойларда қолдирилган қорамолларни ўғирлайди ва таниш қассобга пуллайди.

Шу хулосага келган Исабек ўзича режа тузди...

Куёш оққанида Исабек эшак аравада ўтин йиғиб келадиган одат чиқарди. Бошланишига қўшни қишлоқдаги дала бўйида арқонланган ғунажинни ўғирлади. Оёқларини боғлаб, аравага ортди. Одамлар эътиборини тортмаслик учун устидан ўтин ташлаб қўйди. Кўп ўтмай, Жиззах шаҳридан қорамолфуруш етиб келди...

Уйига қайтаркан, чўнтагидаги 800 минг сўм пул вужудини куйдираётганини ҳис қилди. Юрагини дам қўркув, дам қониқиш чулғар эди. Ўғирлик туфайли бир кунда шунча пул топди, аммо арзон сотгани чатоқ бўлди-да.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, яна бир бузоқни ўмарди. Исабекнинг егани ичига тушмасди, бугун-эрта ички ишлар органлари ходимлари уни сўраб келадигандек. Қолаверса, анави ўлимтикфуруш қўлга тушиб қолса, иккиланмасдан сотиши аниқ. Йўқ, шерикни ўзгартириши керак. Синфдоши Самиғга ишонса бўлади, ижарага олинган «Нексия»си ҳам бор.

Самиғ Исабекнинг таклифига ўйланиб ўтирмасдан рози бўлди. Ишни олдиндан режалаштириб олишди. Автоулов харажатларига алоҳида пул ажратиладиган, қолгани тенг тақсимланадиган бўлди. Самиғ ўғирланган молларни Ғаллаоролда яшовчи поччасининг укаси Бегали ёрдамида пуллашни таклиф қилди.

Исабек мол ўғирлар, Самиғ уни уловида Ғаллаорол туманига олиб борар, Бегали эса сотиш билан шуғулланарди. Улар жуда эҳтиёткорлик билан иш тутарди. Жиноятга кечаси ва эрта тонгда қўл уришарди. Иложи борича «Нексия» юкхонасига сиғадиган қорамоллар танланарди.

Хуллас, 2019 йилнинг октябридан бошлаб Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги «Тараққиёт», «Лалмикор» ва «Шарқ юлдузи» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида ҳар ойда биттадан қорамол йўқола бошлади. Дала майдонлари чеккасида қаровсиз қолдирилган қорамоллар ўғриларнинг ўлжасига айланарди.

Ички ишлар органлари ходимлари мазкур жиноятларни фош этиш чораларини кўришаётганди. Чунончи, муқаддам чорва молларини ўғирлагани учун судланган, профилактик ҳисобда турган, қонунбузарликларга мойил шахсларнинг жиноят юз берган вақтда қаерда бўлганлиги суриштирилди. Худди шундай, мол бозорлари, даллоллар, юк машиналари ҳайдовчиларига эътибор қаратилди.

Шу йилнинг 17 май куни Ғаллаорол тумани «Ғўбдин» қишлоқ фуқаролар йиғинида кўча бўйига арқонланган қорамол ўғирланди. Чорва моли эгасининг мурожаати асосида ҳудудга масъул профилактика инспектори, лейтенант Дўстиёр Бахромқулов тумандаги бозорларни суриштира бошлади. Йўқолган молнинг дараги чиқмади-ю, аммо даллоллардан қаймоқранг «Нексия»да келган уч йигит «Гулчамбар» бозорида шоша-пиша бир қорамолни сотиб кетганлигидан хабар топди.

Профилактика инспектори суриштиришда давом этди ва гумонланувчилардан бири «Ғўбдин» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Бегали эканлигини аниқлади. Шу тарзда жиноятчиларнинг барчаси қўлга олинди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, айбланувчилардан бири қорамолни қўшни тумандаги қайнотасиникида, бошқаси поччасиникида вақтинча сақлаб турган. Яна бири қайинукасига ўғирланган қорамолни сотиб олишни таклиф қилган. Яъни, қариндошлар билиб-билмай жиноятга шерик бўлган. Уларни чорва молларининг қаердан пайдо бўлаётгани қизиқтирмагани ажабланарли.

Айни вақтда Бегалининг хатти-ҳаракатлари юзасидан жиноят иши қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб борилялти. Уларнинг ҳудудда рўй берган бошқа мол ўғирликларига алоқадорликлари ҳам ўрганилаётир.

– Тергов ва суриштирувлар жараёнида айбланувчилардан бири 8, бошқаси 6, яна бири 5 ҳолатда жиноятда иштирок этганлиги аниқланди, – дейди Зарбдор тумани ИИБ ҳузуридаги тергов гуруҳи катта терговчиси, майор Ашраф Роҳатов. – Айбланувчиларнинг ҳаммасида ҳалол йўл билан пул топиш имкони бўлган. Улар яшайдиган ҳудудда деҳқончиликдан яхшигина даромад топаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Шунингдек, икки нафарида ижарага олинган автоулов бўлган. Йўқ деганда, автомашинани даромад манбаига айлантириши мумкин эди.

**...Ҳибсда ётган Исабекнинг кўзига бир неча кундан бери уйқу келмайди. Илгари қаноатсизлик, сўнгра содир этган жиноятлари оромини ўғирлаган бўлса, энди уч нафар фарзандининг, онаси ва турмуш ўртоғининг тақдирини ўйлаб, мижжа қоқмайди. Қанийди, ҳаммасини қайтадан бошлаш имкони бўлса?..**

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

ОДАМ САВДОСИ – ОҒИР ЖИНОЯТ

# ИНСОН ҲАЁТИ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

**Одам савдоси инсонни эркинлигидан маҳрум қилиб, бировларнинг қўлида қул бўлишга маҳкум этиш, одамлар умрига зомин бўлишдек энг оғир ва жирканч жиноятлардан бири саналади. Афсуски, инсон ҳаётини тасарруф қилиш, уни олди-сотдига айлантириш айрим баднафс шахсларнинг доимий фаолиятига, мўмай даромад манбаига айланиб қолмоқда.**

Аксарият ҳолларда бу жиноят билан шуғулланувчи кимсалар ўз ўлжаларига шоҳона қулайликлар, мўмай пул топишнинг чексиз имкониятлари ҳақида ёлғон ваъдалар бериб, уларни ноқонуний йўллар билан хорижий давлатларга олиб чиқиб кетишади. Оқибатда эса...

Юртимизда одам савдосига қарши курашиш, бу жиноят жабрдийдаларини ҳимоялаш ва реабилитация қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тегишли қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинган. Шунга қарамай, ҳар йили кўплаб ҳамюртларимиз одам савдоси қурбонига айланмоқда. Ачинарлиси, улар орасида аёллар, ёш болаларнинг борлигидир.

Жорий йилнинг 25 март куни Қарши шаҳар «Рогузар» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро П.В.нинг мурожаати асосида шаҳар ИИОФМБ ЖҚБ ва ТЭҚҚБ тезкор ходимлари ҳамкорлигида тезкор тадбир ўтказилди. Тадбир жараёнида Нишон тумани туғуруқ комплексида ҳамшира бўлиб ишловчи





Ҳ.Ш. таниши – туманнинг Ғафур Ғулом номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Г.Ч.нинг жорий йил 13 март куни туғилган чақалоғини 4 миллион сўмга сотаётган вақтда қўлга олинди.

Суриштирув давомида Ҳ.Ш. чақалоқни сотишни туман туғуруқ комплекси бош шифокори С.Н. айтганлигини, пулни унга беришини билдирди. Ҳолат бўйича тезкор тадбир давом эттирилди. Туман ИИБ ЙҲХГ биноси олдида жойлашган автобекат ёнида туман туғуруқ комплекси раҳбари Ҳ.Ш.дан чақалоқ сотилгани эвазига олинган 4 миллион сўм пулни олган вақтида ушланди.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Суд ҳукми билан жиноятчилар тегишли жазосини олди.

Бундай мудҳиш жиноятларнинг олдини олиш, иллатни таг томири билан даф қилиш барчамиздан сергаклик, ҳушёрлик, ён-атрофимиздаги воқеликларга бефарқ қарамасликни тақозо этади.

**Файзулла ЁРОВ,**
**майор.**
**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

ҲИКМАТ



*Кишини қабиҳ ва бемаза ишларга қадам қўйишдан тутиб турадиган ва уни яхши хулқ ва ишларга йўллашига ҳаё дейилади.*

**Абу Али ибн Сино**



ҲИКМАТ

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# ФОЙДАСИ БИСЁР «ДАЛА МАЛИКАСИ»



**Хушхўр ва мазали маккажўхори чиндан ҳам кўпгина фойдали хусусиятларга эга. Негаки, у ўз донлари таркибига қатор фойдали элементларни жамлаган. Ёшу қари бирдек севиб истеъмол қиладиган ушбу маҳсулотда В гуруҳи, Е, К, РР, D, С витаминлари, фосфор, магний, калий, мис, никель моддалари, аскорбин ва фолий кислоталари мавжуд.**



Маккажўхори мунтазам равишда тановул қилинганда, инсульт, диабет ва юрак-қон томир касалликлари хавфини камайтиради. Чунки бунда организмдаги барча метаболик жараёнлар фаоллашади. Бу эса саломатликнинг яхшиланиши, иммун тизимининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Кекса ёшдагилар учун маккажўхори истеъмоли хотира ва кўриш қобилиятини яхшилашда ижобий самара беради. Бунинг учун ёш ва юмшоқ донлардан фойдаланиш аҳамиятли.**

Маккажўхори донларининг ёғи зарур озуқавий ва шифобахш восита ҳисобланиб, у моддалар алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади. Бу турдаги ёғ ўт қопи тонусини оширади, унинг деворларини қисқаришини кучайтиради. Бундан ташқари, у атеросклерознинг олдини олиш ва даволашда ҳам беназир восита саналади. Бир ой давомида ҳар куни эрталаб ва кечқурун бир ош қошиқдан маккажўхори ёғини ичиш орқали организмни кўксов (астма), сурункали бош оғриғи, тери касалликларидан ҳимоя қилиш мумкин. Шунингдек, бунда умумий кайфият ва уйқунинг яхшиланиши, организмда холестерин миқдорининг камайиши кузатилади. Бироқ унга аллергияси бўлган ёки юқори вазнли одамларга ушбу ёғни ичиш тавсия этилмайди.

Жўхори таркибидаги селен моддаси организмда тўпланган ортиқча ёғларни чиқариб ташлашга хизмат қилади ва жигарга енгиллик бағишлайди. Шу билан бирга, ундаги бириктирувчи тўқималар қорин дам бўлишини бартараф этишда ёрдам беради.

Таъкидлаш лозимки, ошқозон яраси, камқонлик ва аллергиядан азият чекувчи, қон ивиши жараёни секин кечадиган, ортиқча вазнли инсонлар маккажўхорини шифокор тавсияси билан тановул қилгани маъқул.

«Дала маликаси»нинг попуги дамламаси халқ табобатида пешоб ҳайдовчи восита сифатида кенг қўлланилади. Бундай ичимлик буйракдаги тошларни парчалайди ва суриб туширади, жигар шишларида яхши самара беради. Асал солиб ичилганда ўпка силини даволашда қўл келади.

# ОШҚОВОҚ – ТАБИИЙ ШИФО ВОСИТАСИ

**Ушбу полиз экини витаминлар (Е, А, С, D, F, РР, Т, В гуруҳи), микро ва макроэлементлар (магний, калий, темир, кальций), оқсиллар ва қанд моддасига бой. Ишқорловчи моддалар ҳисобига қовоқ юқори кислоталилик билан кечувчи ошқозон-ичак тракти касалликларида ижобий натижа беради. У, шунингдек, сил, атеросклероз, қабзият, диабет, подагра каби дардларга малҳам бўлади. Организмни тозаловчи ва пешоб ҳайдовчи хусусиятга эга бўлгани учун шифокорлар уни буйраклар ва юрак фаолияти бузилганда ҳамда тана аъзолари шишганда тавсия этишади.**





Парҳезшунослар қовоқ вазн ташлашда ёрдам беришини таъкидлашади, негаки унинг таркибидаги моддалар ортиқча холестеринни чиқариб ташлайди, тери ҳолатини яхшилайди, моддалар алмашинувини тезлаштиради. Қовоқ артериал қон босимини туширишда ҳам ёрдам беради. Юрак билан боғлиқ касалликларда уни буғда ёки димлаб пиширилган ҳолатда истеъмол қилиш фойдалидир.

Ошқовоқ таркибидаги бета-каротин, А витамини ажинларга қарши курашади, С витамини иммунитетни кўтаради, В витамини қон айланишини яхшилайди, калий моддаси эса сочлар саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Янги сиқилган қовоқ шарбати нафақат витамин ва минераллардан ташкил топган, балки яхшигина антиоксидант ҳам ҳисобланади. Грипп ва шамоллаш аломатлари кузатилганда, иммунитетни ошириш учун ҳар куни эрталаб 200 мл. шарбат ичиш тавсия этилади. Шунингдек, у ўз қуюқлиги ҳисобига кучли асабий ҳаяжон, қабзият ҳолатларида яхши самара беради. Ушбу шарбатдан юз терисини таранглаштирувчи, озиқлантирувчи лосьон ёки компресс сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.



**Қовоқ уруғи ўсимлик ёғлари ва оқсилларга бой. Ундан гижжага қарши восита сифатида, жигар касалликларини даволашда фойдаланилади. Таркибида рух моддаси бўлгани учун юз ва танада ҳуснбузар тошиши, сочлар ёғланиши ва қазғоқ кўпайишининг олдини олади. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, танада бу модданинг етишмаслиги янги ҳужайралар шаклланмаслиги, шикастланганлари эса қайта тикланмаслигига сабаб бўлади ва натижада тез қариш ҳолати кузатилади. Қовоқ уруғини чақиб мағзини бутунлигича ёки кукун, қайнатма ва ёғ кўринишида истеъмол қилиш мумкин.**

**Саҳифа материалларини Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.**

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши вазирликнинг «Ўзбекистон» санаторийси бошлиғи, полковник Азиза Мўминовага волидаи муҳтарамаси **ҲОЖИНИСА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси бош муҳаррир ўринбосари, катта лейтенант Азиза Баҳодировага онаси **Зайнаб ЭЛМУРОДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ИИВ Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги полковник Холматжон Сайдалиевга акаси **Ғулом САЙДАЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ИИВ Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги полковник **Озод АРИФБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

ПО МАТЕРИАЛАМ СЛЕДСТВИЯ

# Незнание закона не освобождает от ответственности

**В то время, когда законопослушные граждане ведут примерный образ жизни, трудятся, обеспечивают семьи, воспитывают детей и приносят пользу государству, некоторые наши соотечественники ведут паразитический образ жизни, порой преступая запретную черту. Оно, конечно, понятно – ведь легче, ничего не делая, «срывать плоды жизни», при этом считая, что все сойдет с рук. Может быть, какое-то время и вправду им может повезти, и они, оставшись в тени, уйдут от справедливого наказания. Но это только лишь временной фактор. Все тайное становится явным, и тогда не стоит сетовать на несправедливость судьбы.**



Итак, житель Яшнабадского района столицы, некий Александр Потапов, говоря сухими строками обвинительного заключения: «…холост, образование средне-специальное, ранее не судим, депутатом не является, военнообязанный, работает по частному найму...», очевидно, решил, что поступает вполне законно, выступая в роли «агронома-садовода».

Что же, выращивать полезные культурные растения, как для эстетического, так и для гастрономических целей, – дело весьма приятное и перспективное. Но это лишь в том случае, если растения не содержат в себе наркотических веществ. А «садовод» Потапов, наоборот, всем запретам вопреки высадил у себя на земельном участке кусты наркотикосодержащей конопли. Как только растение пришло в надлежащее вегетативное состояние, Потапов сорвал с него листья, высушил, тщательно измельчил, и получилась у него готовая к употреблению марихуана.



Когда нагрянувшие к нему домой сотрудники органов внутренних дел пригласили понятых, при осмотре было обнаружено зеленоватое вещество, внешне и по запаху напоминающее небезызвестный наркотик. Согласно заключению судебно-химической экспертизы, вещество содержит наркотический активный компонент тетрагидроканнабинол, попросту говоря, является марихуаной. Вес наркотика – 5,25 грамма.

В ходе следствия, которое проводилось в СО при ОВД УКД Яшнабадского района г. Ташкента, были установлены детали совершенного преступления.

Поначалу подозреваемый заявил, что выращивал и изготовлял наркотик исключительно для себя, а не для реализации, он не знал, что даже выращивать наркотик исключительно для себя запрещено. Но известно, что незнание законов не освобождает от ответственности. А по сему выходит, что своими умышленными действиями А. Потапов совершил преступления, предусмотренные ч. 1 ст. 270 и ч. 1 ст. 276 УК Республики Узбекистан.

Пришлось ему предстать перед законом и понести уголовную ответственность, к которой он шел самовольно, никем не принуждаемый. Ведь заставить человека идти на преступление невозможно, пока он сам этого не пожелает.

(Имя и фамилия изменены, возможные совпадения могут носить случайный характер.)

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

# НЕВЕРОЯТНЫЕ ИСТОРИИ О ТОМ,
## как собаки спасли людей своим героизмом

**Миру известно множество историй о собаках-героях. Это и собаки-спасатели, и поводыри, и поисковые ищейки. Часто настоящий героизм проявляют и самые обычные домашние псы, которые не проходили специального обучения, но так сильно любят своих хозяев, что готовы рисковать собственным здоровьем и благополучием ради спасения близких и дорогих им людей.**



Эта собака получила 4 огнестрельных ранения из АК-47 и, несмотря на это, смогла атаковать и обезвредить преступника. После этого пес выдержал 7-часовую хирургическую операцию и был награжден медалью за подвиг.



С этим мужчиной произошел несчастный случай. Он поскользнулся на льду и сломал себе шею. Собираясь пройти всего несколько метров, мужчина был очень легко одет: джинсы, рубашка и тапочки, а на улице было -4°C. Он бы замерз, если бы не его верный друг Келси – пятилетний золотистый ретривер. Она лежала на хозяине целые сутки, согревая его своим теплом, не давала ему засыпать, облизывала руки и лицо и призывала на помощь.



Пес Чак спас свою хозяйку от агрессивного бойфренда, который угрожал ей ножом. Преступник нанес храброй собаке 12 ножевых ранений.



Питбули пользуются дурной славой из-за агрессивного характера. Но эта собака по кличке Лили проявила настоящую преданность и отвагу, спасая свою хозяйку Кристину от смерти. Девушка споткнулась, переходя железнодорожные пути, и потеряла сознание, собака попыталась вытащить ее из-под колес, а когда поняла, что не успевает, прикрыла тело девушки своим. Истекая кровью, Лили продолжала следить за состоянием хозяйки. Кристина не пострадала вовсе. А мужественной собаке Лили пришлось ампутировать переднюю лапу.



Пес по кличке Макс «поймал» три пули, когда спасал своего хозяина от атаки двух вооруженных бандитов.



Собака по кличке Чина была удостоена награды «Светлый мир» за смелое сердце и бескорыстную материнскую любовь. Холодной зимней ночью Чина нашла в поле брошенную девочку и отнесла ее в тепло, к собственным новорожденным щенкам. Собака грела ребенка всю ночь, наутро крики младенца услышал хозяин и отвез малышку в местную больницу. Девочка была названа «Эсперанса», что значит «Надежда».

**Подготовила**
**Юлия КИМ.**

ЭТО ИНТЕРЕСНО

# КОГДА ИЗОБРЕЛИ МЕХАНИЧЕСКИЕ ЧАСЫ

**История происхождения механических часов наглядно демонстрирует начало разработки сложных технических приборов. Когда изобрели часы, они на протяжении нескольких столетий оставались главным техническим изобретением. И до сегодняшнего дня историки не могут сойтись во мнении: кто же на самом деле первым изобрел механические часы.**



Механические часы – это часы, с помощью которых время измеряется по механическим колебаниям маятника. К сожалению, точная дата и имена мастеров изобретения первых в истории механических часов остаются неизвестными. Остается лишь обращаться к историческим фактам.

Начали использовать механические часы в Европе на рубеже XIII–XIV веков. Башенные колесные часы стоит назвать первым представителем механического поколения измерения времени. Суть работы в том, что механизм состоял из гладкой деревянной оси и камня, который привязывали канатом к валу, – прототип гири. Под действием тяжести камня канат постепенно разматывался, чем способствовал вращению оси, определяя ход времени. Главной сложностью такого механизма были колоссальный вес, а также громоздкость элементов (высота башни составляла минимум 10 метров, а масса гири достигала отметки 200 кг), что приводило к большим погрешностям во временных показателях. В результате в средневековье пришли к выводу, что работа



часов должна зависеть не только от движения гири.

В дальнейшем механизм дополнили несколькими составляющими, управляющими движением: регулятор (представлял собой металлическую основу, расположенную параллельно поверхности храпового колеса) и спусковой распределитель (с помощью которого осуществляется взаимодействие регулятора и передаточного механизма).

Со временем механизмы башенных часов превратились в сложную конструкцию со многими автоматически подвижными элементами, разнообразной системой боя, стрелками и декоративными украшениями. С этого момента часы стали не только практичным изобретением, но и предметом восхищения!

К примеру, в 1402 году были сооружены Пражские башенные часы, оснащенные автоматически подвижными фигурками, которые во время каждого боя отображали определенный набор движений, олицетворяя историю. Самая древняя часть – механические часы и астрономический циферблат – была реконструирована в 1410 году. Каждая



составляющая деталь была произведена часовым мастером Микулашем из Кадани по проекту астронома и математика Яна Шинделя.

А часовому мастеру Джунелло Турриано понадобилось 1 800 колес для изготовления башенных часов, которые демонстрировали дневное движение Сатурна, годовое движение Солнца, перемещение Луны, а также направление всех планет в соответствии с птолемеевской системой мироздания, и ход времени в течение дня.



Вышеперечисленные часы были изобретены относительно независимо друг от друга и имели высокую погрешность показателей времени.

Первые карманные часы появились ориентировочно в 1510 году благодаря механику из немецкого города Нюрберга – Петеру Хенлейну. Главной особенностью прибора стала заводная пружина. Модель показывала время с помощью всего одной стрелки, демонстрируя приблизительный период времени. Корпус был изготовлен из позолоченной латуни в форме овала, в результате получив название «Нюрнбергское яйцо». В дальнейшем часовые мастера стремились повторить и усовершенствовать карманные часы по примеру и подобию первых.

Если же говорить о современных часах, то в 1657 году изобретатель – голландец Христиан Гюйгенс впервые применил маятник как регулятор часов, и этим сумел значительно уменьшить погрешность показаний в своем изобретении. В первых часах Гюйгенса суточная погрешность не превышала 10 секунд (для сравнения: ранее погрешность колебалась от 15 до 60



минут). Часовой мастер сумел предложить решение – новые регуляторы и для гиревых, и для пружинных часов. С этого момента механизмы стали значительно совершеннее.

Следует отметить, что механические часы во все периоды оставались незаменимым предметом восторга, удивления и восхищения. Каждое новое изобретение поражало своей красотой, трудоемкой работой и кропотливыми находками для усовершенствования механизма. Даже сегодня часовых дел мастера не перестают радовать нас новыми решениями в производстве механических моделей, подчеркивая уникальность и точность каждого своего прибора.

**Подготовил Борис КЛЕЙМАН.**

# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

***(с 17 по 23 августа)***

**Овен.** Будьте готовы к авантюрам, которые станут поджидать вас на каждом шагу. При возникновении спорных вопросов, посоветуйтесь с кем-нибудь, не полагайтесь только на себя. В выходные отдохните от работы и проведите время с близкими.

**Телец.** Вам придется проявить изобретательность, чтобы все успеть. Дом и семья окажутся заброшенными, зато вы успеете сделать все остальное! Не удивляйтесь, если перед вами откроются новые перспективы.

**Близнецы.** Продолжайте двигаться в направлении, которое вы для себя выбрали. Ваши мысли будут наполнены мечтами, но пока их осуществление невозможно. Вы будете склонны принимать спонтанные решения. Некоторые из них могут оказаться неверными.

**Рак.** Любое решение, касающееся денег, должно быть взвешено несколько раз. Будьте аккуратны с продуктами – есть риск заработать несварение желудка.

**Лев.** Обращайте внимание на знаки, и они укажут вам дальнейший путь. Личные отношения выйдут на первый план. Даже некоторые рабочие решения вы просрочите из-за этого. Будьте рассудительны и не теряйте головы.

**Дева.** Период хорош для совершения любых сделок с недвижимостью. Особенно выгодно ее покупать. Старайтесь не брать денег в долг: возвращать будет сложно. Берегите горло. При первых же симптомах простуды начинайте лечиться!

**Весы.** Постарайтесь общаться только с приятными вам людьми. Не подпускайте близко тех, кто может испортить настроение. Отдых в выходные может быть пассивным. Главное – восстановить свои силы и успокоить мысли.

**Скорпион.** Голова будет идти кругом от обилия дел и задач. Постройте планы и поставьте четкие сроки их исполнения – так будет легче. Во второй половине недели вас ожидает награда за труды.

**Стрелец.** Сомнения и страхи придется оставить позади – они будут мешать в новых начинаниях. Родственники могут сгущать краски, поэтому пока не рассказывайте им о своих заботах. Не забудьте пообщаться с детьми – они скучают и ждут вашего внимания.

**Козерог.** Постарайтесь извлечь выгоду из общения с людьми. А вот с близкими будьте начеку: они могут подвести в самый неподходящий момент. Можно поговорить по душам с человеком, с которым возникло недопонимание, чтобы расставить все точки над «i».

**Водолей.** Не переживайте из-за ошибок, которые, возможно, придется совершить. Позже появится шанс все исправить. Если нравится какой-то человек, скажите ему об этом. Не бойтесь проявлять инициативу. Пусть лучше вас заметят, чем не обратят внимания.

**Рыбы.** Ссоры с любимым человеком можно избежать, просто дайте друг другу время остыть. На работе могут возникнуть проблемы из-за вашей невнимательности. Некоторые дела придется переделывать по несколько раз. Будьте готовы к переработкам.




*Митти ҳикоя*

## АЖАБ-АЖАБ

Совуқдан тиш такиллайди, ер депсиниб, тезроқ уйга етиб олишни ўйлайсан.

Нозимжон бозор-ўчарни кўтариб, бекатга келганида, йўлини ёшгина мўлтони қиз тўсди.

– Ако, бахтингиздан очайми ё тахтингиздан?

– Шу совуқда «бахт-тахт»га бало борми?!

– Минг сўмингиз йўқми?

– Ма, ол.

– Сиз яқинда уйланасиз, энангиз би-ир ажойиб қиз топган...

Йигит кечқурун уйига кириб келади, бешик тебратаётган хотинига жилмайиб қарайди...

**Шониёз МЕЛИБОЕВ.**

## ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ҲИКМАТЛАРИ



Ҳаёт олганинг қадар нафасдир, ҳаёт қолганинг қадар қафасдир, ҳаёт толгунинг қадар ҳавасдир.

* * *

Роббингга қараб: «Менинг буюк дардим бор», дема, дардингга қараб: «Менинг буюк Роббим бор», дегин.

* * *

Савдоси, сармояси, мол-дунёси кўп одамнинг имтиҳони ҳам оғир бўлур.

* * *

Ақлим ҳар кун тавба қилар. Нафсим ҳар кун тавбамни бузар. Иккисининг орасида қолган бир бечораман. Яхшиямки, Роббим, сенинг даргоҳинг бор...

* * *

Гул деганинг нима сенинг? Уч-тўрт тикан, бироз япроқ. Недур сен севган бу ҳаёт? Уч-тўрт нафас, сўнгра тупроқ...

* * *

Ичингни ташингдан ҳам кўра кўпроқ покла, обод қил, чунки ташингни халқ (махлуқ) кўради, ичингни Аллоҳ кўради...

* * *

Гулнинг гўзаллиги уруғининг поклигидан, инсоннинг гўзаллиги қалбининг поклигидандир.

* * *

Ерга бир-бир, алоҳида ёғилаётган, бир-бирини туртмасдан айро тушаётган миллиардлаб қор учқунлари, охири охират бўлган дунё йўлларида миллиардлаб инсонлар бир-бирига зарар бермай, халақит қилмай яшашлари, ҳаракат қилишлари мумкинлигини англатади, ахир.

* * *

Гиламни калтак билан қоқмоқ гиламга озор бермоқ учун эмас, гиламни покламоқ учундир. Аллоҳ сенга ташвиш берар экан, сени имтиҳон қилиб тозалар, чангу ғуборингни кетказар. Қайғурма...

* * *

Қоф тоғи қадар юксакда бўлсанг-да, бир кафанга сиғар даражада кичиксан. Унутма, ҳар нарсанинг ҳисоби бор, қарзингни узгунинг қадар узилурсан...

* * *

Адолат недур? Гулни суғормоқдир. Зулм недур? Тиканларни суғормоқдир.

* * *

Инсон бир дарё кабидир, сатҳи кўриниб туради, тубида не бўронлар қўпар, не пўртаналар тошар, сўзламас, жимгина оқар ва кетар.

## БИЛАСИЗМИ?

### СУТ ДАРАХТИ МАВЖУДМИ?



Чиндан ҳам шундай дарахт бор. У сигир сути мазасини эслатувчи шарбат ажратиб чиқаради.

Бундай дарахтлар асосан Жанубий ва Марказий Америкада ўсиб, баландлиги 30 метргача етади. Маҳаллий аҳоли дарахт танасида кичик кесик ҳосил қилиб, сут йиғади ва севиб истеъмол қилади.



Сут дарахтининг сути худди сигирники каби фойдали бўлиб, таркибида ўсимлик муми ва шакар мавжуд. Унинг яна бир муҳим ўзига хос жиҳати шуки, ҳатто энг иссиқ об-ҳаво шароитида ҳам ачиб қолмайди. Ушбу дарахт сутини бемалол бир ҳафтагача сақлаш мумкин.

## БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Икки синфдош суҳбатлашмоқда:

— Нега сени отанг тушликка бунчалик кўп пул беради?

— Аслида адам бунча пул бермас эдилар. Улар мендан мактаб ошхонамизни телефон рақамини сўрагандилар, мен атайлаб кўчанинг нариги тарафидаги рестораннинг рақамини бердим. Адам ресторанга қўнғироқ қилиб, тушлик неча пул туришини сўрабдилар. Ўша кундан бери менга шунақа кўп пул берадиган бўлганлар.




* * *

Ота ўғлига дебди:

— Ўғлим, қўшни хонадан пайпоғимни олиб чиққин.

Ўғли «Хўп» деб қўшни хонага кирса, опаси ўтирган экан.

Боланинг шўхлиги тутиб опасига дебди:

— Адам айтдиларки, қулоғингизни «бураб» қўяр эканман...

Опаси:

— Нима деяпсан? Тентакмисан?! Бўлиши мумкинмас!

Бола отаси томонга қараб бақирибди:

— Ада, ўнгиними ё чап тарафиними?

Ҳеч нарсадан бехабар отаси:

— Иккаласини ҳам! – дермиш.




Рассом: **Хусан СОДИҚОВ.**

Postda
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
Foziljon MAMASHARIPOV
Dinara SHAMUHAMEDOVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355
9 772010 535001

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4273.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 507 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.